



Тошкент архитектура
қурилиш институти
ҳузуридаги тармоқ
маркази

АРХИТЕКТУРАДА РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрьдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТАҚИ “АТН” кафедраси мудири, арх.ф.д. Маматмусаев Т.Ш.

Тақризчи: ТАҚИ “АТН” кафедраси профессори, арх.ф.д. Нозилов Д.А.
ЎзР ФА Санъатшунослик институти етакчи илмий ходими, арх.ф.н.
Зияев А.А.

**Ўқув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2019 йил 4 сентябрьдаги
1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	2
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	8
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛИ	90
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	88
VI. ГЛОССАРИЙ.....	96
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	99

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастур “Архитектурада реконструкция ва реставрация масалалари”нинг асосан XIX асрдан XXI асргача янги йўналишда ўтган ривожини қамрайди, мазкур даврлар ривожидаги ўзига хос хусусиятларни, услубий ва бадиий маҳорат таснифини, фан ривожининг шаклланиш тамойилларини ҳамда республикамиз мустақиллиги йилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг архитектура ва шаҳарсозлиги билан ўзаро боғлиқлигини ифода этади.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “Архитектурада реконструкция ва реставрация масалалари” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илфор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Архитектурада реконструкция ва реставрация масалалари” модули мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўз фаолиятларида шаҳарсозлик ва меъморий ёдгорликларни муносиб равишда қадрлай оладиган даражада тайёрлашдир.

Дастур шаҳарсозлик ва меъморий ёдгорликларнинг таърифлари, уларнинг тарихий ва бадиий-меъморий қийматларини аниқлаш, уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қайта қуриш ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш лойиҳаларини тузиш ҳамда бундай ёдгорликлар билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни қамраб олган.

“Архитектурада реконструкция ва реставрация масалалари” модули вазифалари:

Модулнинг муҳим вазифалари қаторига тингловчиларда тарихий жойларни, меъморий мажмуаларни, уларни малакали баҳолашга, муайян

вазиятларни инобатга олган ҳолда бундай ёдгорликларга нисбатан лозим бўладиган тадбирлар турларидан энг оптимальини танлай олишга ўргатишни ва бунга мос равища тингловчиларда керакли билим ва малакани шакллантиришни ўз ичига олади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Архитектурада реконструкция ва реставрация масалалари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- меморий ва шаҳарсозлик меросига доир қонунчилик ҳужжатларини;
- қайта қуриш ва таъмирлаш назариясини;
- таъмирлаш ва қайта қуриш соҳасидаги фанларни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- қайта қуриш лойиҳаларининг таркиби, уларни тузиш ҳақида **билиши** керак.

Тингловчи:

- тарихий жойларни қайта қуриш лойиҳаларини тузиш;
- қўриқхоналар ташкил этиш, сақланган обидаларни инобатга олган ҳолда ҳудудларни қайта қуриш;
- меъморий обидаларда, уларнинг тарихий–бадиий қийматларига қўра консервация, аностилоз ва бошқа таъмирлаш усулларини қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- қайта қуриш лойиҳалари ғоясини асослай олиш;
- тарихий маҳаллаларни, меъморий мажмуаларни қайта қуриш лойиҳалари;
- осори–атиқаларни таъмирлаш лойиҳаларини тузиш ҳамда уларда қабул қилинган ечимларни илмий жиҳатдан асослаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- модулга оид фанларни ўқитишда тарихий шаҳарларни сақлаш ва қайта қуриш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлардан оқилона фойдалана олиш,

ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибаларни таълим жараёнида қўллай олиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Архитектурада реконструкция ва реставрация масалалари” модули ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқ чунончи, “Замонавий шаҳарсозлик ва инновация” ва “Архитектурада замонавий конструкция” модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Меъморларнинг ижодий фаолиятларида аксарият қурилишлар мутлақ янги ҳудудлар учун мўлжалланади. Даврлар ўтиши билан бўш ҳудудлар миқдори камая боради. Шу тариқа қурилиш ҳудудларида таъмирлаш ва қайта қуриш лойиҳаларига эҳтиёж сезилади. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатадиган касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудиториядаги ўқув юкламаси		Жумладан:	Кўчма машғулот
			Жами	Назарий		
1.	Реконструкция ва реставрация соҳаси бўйича меъёрий хужжатлар. Атамалар масалалари	2	2	2		
2.	Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий шаҳарлар генезиси ва трансформацияси	2	2	2		
3.	Тарихий жойларда реконструкция ва реставрация лойиҳаларини амалга ошириш тажрибалари	2	2	2		

4.	Тарихий маҳаллалар ва турар жойлар тадқиқоти	2	2	2			
5.	Тарихий ҳудуд ёки объектларни жойида ўрганиш ва фотофиксация қилиш	2				2	
6.	Тарихий ҳудуд ёки объектнинг тарихий-меъморий қийматларини белгилаш	2				2	
7.	Белгиланган ҳудуд ёки объектнинг ҳажмий-фазовий, тарҳий тузилишини таҳдил этиш	2	2		2		
8.	Тарихий ҳудудни қайта қуриш ёки ёдгорликни таъмирлаш лойиҳа эскизи таклифини ишлаб чиқиш	2	2		2		
Жами:		16	12	8	4	4	0

Назарий машғулотлар мазмуни

1-мавзу: Реконструкция ва реставрация соҳаси бўйича меъёрий ҳужжатлар. Атамалар масалалари

Модулнинг мақсад ва вазифалари. Архитектуравий ва шаҳарсозлик мероси бўйича меъёрий ҳужжатлар. Атамалар ва асосий тушунчалар. Бугунги сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш муаммолари. Шаҳар морфологияси. Тарихий аҳоли жойлари морфологияси.

2-мавзу: Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий шаҳарлар генезиси ва трансформацияси

Ўзбекистонга хос бўлган тарихий шаҳарларнинг тарҳий қонуниятларининг қадимдан бугунгача ривожи. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш шарт-шароитлари. Шаҳарларнинг тараққиёт босқичлари. Тарихий ҳудудларнинг сақлаш ва реконструкция қилиш муаммолари.

3-мавзу: Тарихий жойларда реконструкция ва реставрация лойиҳаларини амалга ошириш тажрибалари

Тарихий ҳудудларни реконструкция ва реставрация қилиш лойиҳалари. Тарихий марказларни қайта қуришни лойиҳалаш. Таъмирлаш лойиҳалари. Ёдгорликлар конструкцияси ва қурилиш материаллари. Янги шаҳарсозлик назарияси ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуришда Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси.

4-мавзу: Тарихий маҳаллалар ва тураг жойлар тадқиқоти

Тарихий маҳаллаларни қайта қуришни лойиҳалаш. Маҳалла бозорлари худудини қайта қуриш. Оддий ва типик маҳалла худудларини қайта қуриш. Маҳалла мавзе худудини қайта қуриш. Тарихий тураг жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. Шаҳарнинг марказий қисмидаги тураг жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. Шаҳарнинг ўрта ва чекка қисмларида тураг жойларни қайта қуришни лойиҳалаш.

Амалий машғулотлар мазмуни

1–амалий машғулот: Белгиланган худуд ёки объектнинг ҳажмий-фазовий, тарҳий тузилишини таҳлил этиш

Тингловчига вазифа тариқасида берилган қадимий шаҳар бош тарҳида тарихан қизиқарли бўлган асосий қисмлар: тарихий объектлар, марказ, яшил зона, ирригация тизими, савдо дўконлари, асосий ва иккинчи даражали кўчаларни белгилаш. Ажратилган асосий қисмларни таҳлил қилиш. Уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш. Белгиланган зоналарнинг бирбирига нисбатан жойлашувини қўриб чиқиш. Қисмларнинг функционаллигини тадқиқ этиш. Тарихий шаҳар рельефи ва унда жойлашган объектларнинг баландликларини ўрганиш. Қадимий худудлар силуэти чизмасини бажариш. Тарихий шаҳарнинг бадиий-меъморий ҳамда тарихий қийматлари (юкори даражадаги қийматга эга, ўрта даражадаги қийматга эга ва қийматга эга эмас)га мос равища ҳудудни категорияларга ажратиш.

2–амалий машғулот: Тарихий худудни қайта қуриш ёки ёдгорликни таъмирлаш лойиҳа эскизи таклифини ишлаб чиқиш

Юқори, ўрта ва жузъий қийматларга эга бўлган ҳамда қийматга эга эмас категориялардаги ҳудудларга нисбатан уларга мос равища эскиз лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш. Шаҳарни сақлаш ва қайта қуриш учун ғоявий таклифлар бериш.

Кўчма машғулот мазмуни

Ушбу модулда кўчма машғулот амалий машғулот сифатида берилган. Тошкент шаҳридаги тарихий қурилмалар (Гулбозор маҳалласи, Сузукота мажмуаси)ни жойида ўрганиш вазифа сифатида берилади.

1. Ҳудуд ўрни тўғрисида маълумот бериш.
2. Хонадонлар ва кўчалар қийматини ифодалаш.
3. Фиксация (эскиз, суратга олиш, ёзма маълумотлар).

Үқитиши шакллари

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий холосалар чиқариш);

баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

Амалий машғулотларни ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий китоблар ва журналлар, интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбалардан фойдаланилади.

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сүз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида үқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидаги амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижка (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг

Кейс. Янги шаҳарсозлик назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни саклаш, таъмиrlаш ва қайта қуриш доимо долзарб масалалардан бири бўлган. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси буни исботлайди. Тарихий шаҳарлар марказлари бугунги кунда машиналар тирбандлиги муаммосига дуч келмоқда. Натижада тарихий ҳудудларда кенг йўллар ўтказилиб, тарихий қисмларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳудудларда замонавий биноларнинг қад кўтариши тарихий муҳит йўқолишига олиб келмоқда. Бу каби муаммоларни қандай ечиш мумкинлиги хусусида таклифлар беринг?

- Кейсдаги муаммони самарали бартараф этиш йўлларини белгиланг (кичик гурухларда);
- Таклиф этилаётган муаммони ечиш йўлларини асослаб беринг (индивидуал).

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



“Архитектурада реконструкция ва реставрация масалалари”
SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг

S	Асосий тушунчалар	Ўзбекистонга хос бўлган тарихий шаҳарларни тархий қонуниятларининг қадимдан бугунчага ривожи. Бугунги сақлаш, таъмирлаш ва қайта куриш муаммолари. Шаҳар морфологияси. Тарихий аҳоли жой морфологияси.
W	Тадқиқот ишлари	Тарихий жойларда тадқиқот ўтказиш: тарихий шаҳарнинг таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти. Шаҳар негизи тадқиқоти. Марказлар тадқиқоти. Турар жойлар тадқиқоти.
O	Ўзакни лойиҳалаш	Янги шаҳарсозлик назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта куриш. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси. Тарихий жойларни қайта куришни лойиҳалаш. Тарихий шаҳарларнинг ўзагини қайта куриш. Таркибий тизимларини комплекс қайта куришни лойиҳалаш. Шаҳар негизини қайта куришни лойиҳалаш.
T	Тўқмани лойиҳалаш	Тарихий маҳаллаларни қайта куришни лойиҳалаш. Маҳалла бозорлар худудини қайта куриш. Оддий ва типик маҳалла худудларини қайта куриш. Маҳалла мавзе худудини қайта куриш.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган коғозларни тарқатилади;



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: Тошкент шаҳрининг тарихий қисмида ички ҳалқа йўли (Нурафшон кўчаси) ўтказилиши, кўп қаватли бинолар қурилиши амалга оширилмоқда. Ушбу ишлар бир қанча муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Топшириқ: Мазкур тадбирларга бўлган муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

Архитектура йўналиши

- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Асосий тушунчалар	Ўзбекистонга хос бўлган тарихий шаҳарларни тархий қонуниятларининг қадимдан бугунчага ривожи. Бугунги сақлаш, таъмиrlаш ва қайта қуриш муаммолари. Шаҳар морфологияси. Тарихий аҳоли жой морфологияси.	
Тадқиқот ишлари	Тарихий жойларда тадқиқот ўтказиш: тарихий шаҳарнинг, таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти. Шаҳар негизи тадқиқоти. Марказлар тадқиқоти. Туар жойлар тадқиқоти.	
Ўзакни лойихалаш	Янги шаҳарсозликнинг назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмиrlаш ва қайта қуриш. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси. Тарихий жойларни қайта қуришни лойихалаш.	
Тўқмани лойихалаш	Тарихий маҳаллаларни қайта қуришни лойихалаш. Маҳалла бозорлар ҳудудини қайта қуриш. Оддий ва типик маҳалла ҳудудларини қайта қуриш. Маҳалла мавзе ҳудудини қайта қуриш.	
Таълим масалалари	Тарихий шаҳарларни қайта қуриш бўйича самарали методологияларни ўқув жараёнига ва амалиётга жорий қилиш. Янги билим талаблари, янги кўникма талаблари ва малакага кўйиладиган талаблар.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот гlosсарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯ СОҲАСИ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР. АТАМАЛАР МАСАЛАЛАРИ

Режа:

1. Меъморий ва шаҳарсозлик меросига доир қонунчилик ҳужжатлари.
2. Атамалар масалалари.

Таянч иборалар: меъёрий ҳужжатлар, тарихий қатламлар, меъморий ёдгорликлар, шаҳарлар морфологияси, арк, шаҳристон, рабод, вақт масштаби, ретроспектива.

1. МЕЪМОРИЙ ВА ШАҲАРСОЗЛИК МЕРОСИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Бугунги кунда дунёда тарихий меъморий ёдгорликларни саклаш ва улардан фойдаланишга оид самарадор йўналиш бўйича UNESCO ташаббуси билан 413 та қадимий шаҳарлар ҳудудидаги Бутунжаён моддий маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилган 1007 та обьектлардан 779 таси меъморий ёдгорликлар сирасига киради.

UNESCOнинг Бутунжаён моддий маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига Ўзбекистон ҳудудидаги 4 та тарихий шаҳар киритилган:
Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари.

UNESCO – Бирлашган миллатлар ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи бўлими;

ICOMOS – қадимий ёдгорликлар ва тарихий жойлар бўйича Ҳалқаро Кенгаш;

CGROM – маданий мулкни саклаш ва таъмирлаш бўйича халқаро тадқиқот маркази.

Мамлакатимизда мавжуд тарихий ёдгорликлар миқдори:

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳозирги кунда

республикамида мавжуд **7476** дан зиёд ёдгорликлардан - **2079** таси меъморий ёдгорликлар, **4308** таси археологик ёдгорликлар, **694** таси монументал ёдгорликлар ва **395** таси диққатга сазовор жойлар бўлиб, уларнинг барчаси давлат муҳофазасига олинган. Истиқлол йилларида Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент ва Марғилон каби қадимий шаҳарларнинг (2000-2750 йиллик) юбилейлари муносабати билан кўпчилик меъморий ёдгорликлар таъмирланди, музей қўриқхоналар атрофлари ободонлаштирилди.

Тарихий ёдгорликлар “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси” томонидан муҳофаза қилинади.

БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир қабул қилинган халқаро хужжатлар:

- Бутун жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972);
- Тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартияси, 1987);
- Обидаларни, иншоотлар гурухини ва диққатга сазовор жойларни рўйхатга олишнинг асосий қонун-қоидалари (1996);
- Тахлил қилиш, консервация ва меъморий меросларнинг тузилишини қайта тиклашнинг асосий қонун-қоидалари (2003);
- Маданий мерос ҳисобланган - тузилма, объект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Сиан декларацияси (2005).

Маданий меросни сақлашга доир республикамида қабул

қилинган хужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992)нинг XI боби (Фуқароларнинг бурчлари) 49-моддасида “**Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб**

- асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир” деб ёзиб қўйилган;**
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек меъморий ёдгорликлар ҳудудини зоналаштириш бўйича қонунларни қатъий белгилаб берувчи 2001 йил 30 августдаги 269-П сонли “**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**”ги Қонуни (VII боб, 36 модда);
 - 2002 йил 4 апрелда 353-П сон билан тасдиқланган “**Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси**” қабул қилинди (VII боб, 59 модда);
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли “**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиши мукаммаллаштириш тўғрисида**”ги қарори;
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли қарори билан “**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш**” бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури.

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

5-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар:

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

ШНҚ 2.07.01-03* - шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (2009)

XII. “Аҳоли пунктлари қурилишида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш” бўлимида маданий мерос объектларига қўйидагилар киритилган:

- шаҳар-қўриқхоналар;
- тарихий ансамбллар;
- ландшафт мажмуалари;
- алоҳида жойлашган архитектура ёдгорликлари;
- ҳалқ меъморчилиги ёдгорликлари;
- этнография ёдгорликлари;
- археология ёдгорликлари;
- қадимги қабристонлар (некрополлар);
- мақбараалар (алоҳида турган қабрлар).

Маданий мерос объектларидан транспорт ва муҳандислик коммуникацияларигача бўлган масофалар ШНҚ 2.07.01-03* бўйича:

Тез ва тўхтосиз ҳаракат магистраларининг қатнов қисмлари, саёз қурилган метрополитен линияларигача:

мураккаб рельеф шароитида – 100 м;
текис рельефда – 50 м.

Муҳандислик коммуникацияларигача:

сув қувурлари, оқава тармоғи ва иссиқлик таъминоти тармоқларигача – 15 м;
бошқа ер ости муҳандислик тармоқларигача – 5 м.

2. АТАМАЛАР

► **Шаҳарсозлик мероси.** Ўтган замонда пайдо бўлган, турли ўзгаришларни бошидан кечирган ҳар қандай қурилма, мажмуаларга ва уларнинг худудларига нисбат қилиб “тарихий” сифатни қўллаш лозим. Қадимги

курилмаларни, мажмуаларни ва шаҳарларни алоҳида маҳсус ибора билан, яъни “тарихий жой” деб аташ жоиз бўлади.

- **Шаҳарсозлик меросининг моддий ва маънавий жиҳатлари мавжуд:**
Моддий шаҳарсозлик мероси бизгача сақланиб келган тарихий жойлардан ва меъморий мажмуалардан ташкил топади;

Маънавий шаҳарсозлик мероси бундай жой ва мажмуада мужассам бўлган қонун-қоидалар, кўлланилган маҳсус услублардир.

- **Тарихий қатламлар.** Ҳар бир тарихий жой, меъморий мажмуа ташкил бўлган вақтдан бошлиб обида даражасигача етган замонгacha даврма-давр ўз изини – қатламни қолдириб келади. Ҳар бир давр қатлами ўша даврда хукмрон бўлган дунёқарашиб, маданият, санъат ҳосиласидир. Тарихий шаҳарларда қанчалик кўп қатлам йиғилган бўлса, у шунчалик қийматлидир.
- **Қайта қуриш.** Шаҳарларнинг салбий жиҳатларини бартараф этиб, ижобий томонларини ривожлантириш жараёни. Қайта қуришнинг икки кўриниши мавжуд:

1. Биринчи кўринишда шаҳар худудий жиҳатдан кенгаяди;
2. Иккинчи кўринишда - эскиси бузилиб, бутун худуд ёки қисми ўрнида ижобий ўзгаришлар амалга ошади.

Шаҳарлардаги меъморий ёдгорликлар. Тарихий жойларда дастлабки замонлардан бери пайдо бўлган иморатлар меъморий ёдгорликлар, деб эътироф этилади. Тарихий шаҳар ва қишлоқлардаги ёдгорликларнинг кўпчилиги бир қанча қадимги бинолардан ташкил топади. Аксари бундай бинолар ҳалқ меъморлиги ва маҳобатли меъморлик намуналаридан иборат. Шунингдек қўприк, тўғон, қудуқ каби қадимги муҳандислик иншоотлари ҳам меъморий ёдгорликлар қаторига киради.

“Ёдгорлик”, “Обида”, “Осори атика”:

“Ёдгорлик” - ёдга келтирадиган ҳодисани, воқеани, умуман ўтмишни ифода этади. Ёдгорликда тарихийлик биринчи ўринда туради. Бадиийлик

сифати паст бўлиши ҳам мумкин. Меъморий ёдгорликларнинг аксари бадиян юқори савияда бўлади.

“Обида” – сўзи орқали бадиийликка ишора берилади.

“Осори атиқа” - сўзида қадимги антиқа асар (иморат)лар маъноси мужассам бўлган.

Тарихий шаҳар қисмларининг тизмийлиги.

Ўрта Осиёдаги, хусусан Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларнинг тўрт қисми: **арки, шаҳристони, рабоди ва сурдиқати** мавжуд бўлиши мумкин. Қисмларнинг бундай кетма-кетлиги шаҳарлардаги зарурийлик даражасини акс эттиради.

- Арк (диз, кўҳандиз, қалъа, ўрда номлари билан ҳам ишлатилиши мумкин) шаҳарда функционал зарурлиги бирламчи бўлган қисмдир.
- Иккинчи навбатдаги зарурий қисм - шаҳристон (ҳисор, мадина номлари ҳам қўлланилади) шаҳарнинг кўпроқ қисмини эгаллайдиган асосий қисмдир.
- Рабод деб шаҳристон теварагидаги қурилмалари сийракроқ бўлган қисмга айтилади.
- Рабод атрофидаги қурилмалари онда-сонда бўлган даласифат жойлар Термизда “сурдиқат” деб аталган.

ЛУҒАТ:

“Ажратилмаслик”

- К.Александер бўйича ҳаётчан меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан ўн бешинчиси; русча - “неразрывность”, инглизча - “*not-separateness*” (C.Alexander ... Part one ... 145-150 pages).

“Акс садолар”

- К.Александер бўйича ҳаётчан меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан ўн иккинчиси; русча - “эхо”, инглизча - “*echoes*” (C.Alexander ... Part one ... 218-221 pages).

- “Бүшлик”** - К.Александер бүйича ҳаётчан меморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан ўн учинчиси; русча - “*пустота*”, инглизча - “*the void*” (C.Alexander ... Part one ... 222-225 pages).
- Вазият тархи** - мавжуд, муайян ҳолатни ифодаловчи тарх; русча - *ситуационный план*, инглизча - *situational plan*.
- Вақт масштаби** - ўтган давринг шаҳар мұхитида қолдирған излари-меморий обидалар орқали ўтган замонларнинг кетма-кетлиги ўлчови, тарихийлик миқдори; А.Гутнов қўллаган ибора; русча - *масштаб времени*, инглизча - *time scale*.
- “Жузъий симметрия”** - К.Александер бүйича ҳаётчан меморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан еттинчиси; русча - “*локальная симметрия*”, инглизча - “*local symmetries*” (C.Alexander ... Part one ... 186-194 pages).
- “Ижобий фазо”** - К.Александер бүйича ҳаётчан меморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан бешинчиси; русча - “*положительное пространство*”, инглизча - “*positive space*” (C.Alexander ... Part one ... 173-176 pages).
- “Иҳота”,
“Чегаралар”** - К.Александер бүйича ҳаётчан меморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан учинчиси; русча - “*пределы*”, инглизча - “*boundaries*” (C.Alexander ... Part one ... 158-162 pages).
- “Ишловсизликлар”** - К.Александер бүйича ҳаётчан меморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан ўн биринчиси; русча - “*шероховатости*”, инглизча - “*roughness*” (C.Alexander ... Part one ... 210-215 pages).

“Контраст”

- К.Александер бўйича ҳаётchan меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан тўққизинчиси; русча - “**контраст**”, инглизча - “**contrast**” (C.Alexander ... Part one ... 200-203 pages).

Микромажмуа

- кичик хажмдаги меъморий мажмуа; “микроансамбл” ибораси Е.Н. Кудрявцева ва М.П. Кудрявцевлар томонидан қўлланилган (1093-ад, 32-б.); русча-**микроансамбл**, инглизча- **microensemble**.

**Мослашув
даражалари бўйича
худудлаш**

- қайта куришда янги қурилиш бир хилдаги чекловлар қўйиладиган ҳудудларни белгилаш; русча-**зонирование по режимам реконструкции**, инглизча- **zoning by mode of reconstruction**.

**Мувофиқлаштириш
худуди**

- обиданинг атрофидаги, уни визуал идрок этишга ҳалал бермайдиган янги қўринишдаги қурилиш мумкин бўлган худуд; русча-**зона регулирования**, инглизча- **regulation zone**.

**“Мустаҳкам боғлаш
ва ишора”**

- К.Александер бўйича ҳаётchan меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан саккизинчиси; русча - “**прочная связь и намёк**”, инглизча - “**deep interlock and ambiguity**” (C.Alexander ... Part one ... 195-198 pages).

Мухофаза худуди

- алоҳида қийматга эга бўлган обиданинг атрофидаги, уни тўлақонли идрок этишни таъминловчи тарихий худуд; русча-**охранная зона**, инглизча-**conservation zone**.

Реабилитация

- тарихий меъморий мажмуаларни қайта куришда унинг энг ривож топган давридаги ижобий жиҳатларни қайтариш; русча-**реабилитация**, инглизча-**rehabilitation**.

- Револаризация**
- қайта қуришда тарихий турар жойларни меъморий-композицион жиҳатидан олдинги асл қиймати даражасига олиб чиқиш; русча-**револаризация**, инглизча-*revalorization*.
- Регенерация**
- қайта қуришда тарихий жойларда олдин йўқотилган, хозирда етишмаётган қисм ёки жиҳатлар билан тўлдириш; русча-**регенерация**, инглизча-*regeneration*.
- Ретроспектива**
- шаҳарсозлик обидасини ўтмишдаги ҳолатини қайта қуриш; русча-**ретроспектива**, инглизча-*retrospective*.
- Санация**
- қайта қуришда тарихий жойлардаги аянчли ҳолатни яхшилаш, соғломлаштириш; русча-**санация**, инглизча-*sanation*.
- “Соддалик ва ички осоийишталиқ”**
- К.Александер бўйича ҳаётchan меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан ўн тўртинчиси; русча - “*простота и внутреннее спокойствие*”, инглизча - “*simplicity and inner calm*” (C.Alexander ... Part one ... 226-228 pages).
- Тарихий таянч тарҳ**
- тарихий жойларда сақланиб қолган обидалар ифода этилган тарҳ; русча-**историко-опорный план**, инглизча-*historical-master plan*.
- Тарихий-услубий қайта режалаш**
- шаҳарнинг ўтмиш ҳаётида муайян тарихий услуб хукмронлик қилган даврда амалга оширилган қайта режалаштириш ишлари; русча-**стилистическая перепланировка**, инглизча-*stylistic replanning*.
- Таъмирлаш**
- тарихий биноларнинг асл сақланган ҳолатини сақлаб қолиш учун қўлланиладиган тадбирлар; русча-**реставрация**, инглизча-*restoration*.

- Улги** - андаза; русча-*шаблон*, инглизча-*pattern*.
- Умумий кўриниш** - кўриниши бир неча томонлардан бериладиган тасвир; русча-*общий вид*, инглизча-*general view*.
- Услубий таъмирлаш
(стилистик
таъмирлаш)** - обиданинг пайдо бўлиш давридаги меъморий услугуга ва қарашларга биноан таъмирлаш; русча-*стилевая реконструкция*, инглизча-*styling reconstruction*.
- Шаҳар
морфологияси** - шаҳарсозлик тизимларининг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, шаҳар тузилиши; асосан ўзак ва тўқмадан ташкил топади; русча-*морфология города*, инглизча-*city morphology*.
- Шаҳар тўқмаси** - шаҳарнинг ҳажман кўпроқ бўлагини ташкил этувчи қисми, асосан катта-кичик кўчалар воситаси орқали бирлаштирилган тураг-жойлар жамламасидан ташкил топади; русча-*ткань города*, инглизча-*city fabric*.
- “Яхши шакл”** - К.Александер бўйича ҳаётchan меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан олтинчиси; русча - “*красивый вид*”, инглизча - “*good shape*” (C.Alexander ... Part one ... 179-185 pages).
- “Ўзгариш
бирликлари”** К.Александер бўйича ҳаётchan меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан ўнинчиси; русча - “*единицы измерений*”, инглизча - “*gradients*” (C.Alexander ... Part one ... 205-209 pages).
- “Ўзгарувчан
такрорланиш”** К.Александер бўйича ҳаётchan меъморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан тўртинчиси; русча - “*переменное повторение*”, инглизча - “*alternating repetition*” (C.Alexander ... Part one ... 165-171 pages).

“Ўлчов даражалари” - К.Александер бўйича ҳаётchan меморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан биринчиси; русча - “уровни величин”, инглизча - “levels of scale” (C.Alexander ... Part one ... 145-150 pages).

Қайта қуриш - тарихий жойларни қайта қуриш; русча - *реконструкция*, инглизча - *reconstruction*.

Қатъий мослаштириш худуди - обидани тўлақонли визуал идрок этиш учун унинг атрофига янги қурилишга қатъий чекловлар жорий этилган худуд; русча-*зона особого режима*, инглизча - *special mode zone*.

“Кудратли марказлар” - К.Александер бўйича ҳаётchan меморликни таъминловчи ўн беш жиҳатдан иккинчиси; русча - “сильные центры”, инглизча - “strong centers” (C.Alexander ... Part one ... 151-157 pages).

Кўриқхона - архитектурада ўтмишда шаклланиб, бизгача етиб келган ҳамда ундаги тарихий меморчилик ва шаҳарсозлик жиҳатларини мумкин қадар тўлалигича сақлаб қолиш мақсадида ажратиб қўйилган шаҳар, унинг қисми; русча-*заповедник*, инглизча - *reserve*.

Назорат саволлари:

1. Маданий меросга оид қандай хужжатлар қабул қилинган?
2. Тарихий шаҳарлар морфологиясига таъриф беринг.
3. Тарихий қатламлар нима?
4. Ретроспективани қандай тушунасиз.
5. Архитектура ва меморлик орасида қандай умумий ва фарқли жиҳатлар бор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 2014.
– 1096 с.: ил.
2. Аскаров Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во “San’at”, 2009.
3. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Тошкент-2017.
4. Бобоёрова Ш.Р. Кармана шаҳрининг марказини тиклашда тадқиқот асослари. Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2013.

**2-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАР
ГЕНЕЗИСИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

Режа:

1. Қадимги (мил.ав.ги IV асргача бўлган давр) ва антик давр (мил.ав.ги IV асрдан – мил. IV асргача) шаҳарларининг режавий ечими.
2. Ўрта асрлар (мил. V-XV асрлар) ва XVI-XIX асрнинг 1-ярмида шаҳарларнинг тузилиши.
3. XIX асрнинг 2-ярми – XX асрда шаҳарлар тузилиши. Икки тузилмали шаҳарларнинг пайдо бўлиши.

Таянч иборалар: протошаҳарлар, чодир шаҳарлар, дуал шаҳарлар, уч қисмли шаҳарлар, икки тузилмали шаҳарлар, шаҳар дарвозалари ва деворлари, қопқалар, модернизация, генезис, трансформация.

1. ҚАДИМГИ (МИЛ. АВ. ГИ IV АСРГАЧА БЎЛГАН ДАВР) ВА АНТИК ДАВР (МИЛ. АВ. ГИ IV АСРДАН – МИЛ. IV АСРГАЧА) ШАҲАРЛАРИНИНГ РЕЖАВИЙ ЕЧИМИ

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳарсозлик намуналарини қадимдан ҳозиргача бўлган ривожланиш жараёнини композицион жиҳатдан бешта турга бўлиш мумкин:

1. Атрофи йўлакли девор билан ўралган, ичида айтарли иморатлари бўлмаган, шаҳар саҳнида барча бинолар чодирдан тикланган “чодирли” шаҳарлар (баъзи манбаларда “вар” кўринишидаги шаҳарлар).
2. Марказидан шаҳарнинг асосий кўчаси кесиб ўтувчи, шаҳар тўрида маъмурий, савдо, жамоат бинолари жойлашган, бир дарвозали тўртбурчак шаклидаги дуал шаҳарлар.
3. Арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топган уч қисмли шаҳарлар.
4. “Эски” ва “Янги” қисмлардан иборат бўлган икки тузилмали шаҳарлар.
5. Техника тараққиёти натижасида модернизациялашаётган шаҳарлар.

Мазкур давр шаҳарсозлик тарихини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, XX асрнинг 30-йиллари охирларига қадар Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари тарихи асосан ёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганилган. 50-60-йиллардан бошлаб, 70-80-йиллар ва XXI аср бошлари мобайнида минтақа ҳудудларида кенг археологик тадқиқотлар амалга оширилиб қадимги давр шаҳарлари тарихига оид янги маълумотлар фанга жорий этилмоқда.

Антик давр шаҳарсозлиги масалалари бўйича турли йилларда қўплаб олимлар тадқиқот ишлари олиб борган.¹

¹ Tarn W.W. The greeks in Baktria and India. -Cambridge: 1938. - Р. 243; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VII в. н.э. -Т.: БИ. 2000. - С. 602; Сайко Э.В. Становление города как производственного центра. – Душанбе: 1983. С. 214; Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции. -Душанбе: 1982. - С. 190; Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. -Сталинабад: 1967. - С. 220; Ртвеладзе Э.В. О численности населения кушанских населённых пунктов Северной Бактрии // Сборник науч. тр. -Ашхабад: 1978. - С. 107-114; Исамиддинов М.Х. История городской культуры

Шаҳарларнинг аксарияти дастлаб қароргоҳлар ва манзилгоҳлар бўлган. Айримлари ибодатхоналар олдида, шунингдек қалъа ёки ўрда сифатида шаклланган. Илк шаҳарларда хунармандчилик қарор топган бўлиб, кейинчалик савдонинг ривожланиши натижасида савдо шаҳарлари вужудга келган.²

Собиқ тузум даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг келиб чиқишини Европа маданиятининг кириб келиш даври – Искандар Зулқарнайн билан боғлашар эди ва антик давр деганда грек-рим маданиятининг таъсиридаги ривожланиш тушуниларди. Энг қадимий шаҳар сифатида 2500 йиллиги 1970 йилда нишонланган Самарқанд шахри эътироф этилган эди. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрининг ёши 2750 йил, Қарши ва Шаҳрисабзнинг келиб чиқиши 2700 йилга teng эканлиги аниқланди. Сўнгги изланишлар Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги шаҳар кечки бронза даврида вужудга келган Жарқўтон қўрғони эканлигини кўрсатмоқда ва унинг келиб чиқиши Сополлитепа сингари мил.ав. II минг йилликга бориб тақаладиган шаҳаролди (протоشاҳар) маданияти билан боғлиқлиги аниқланган. Бинобарин Ўзбекистон антик даври шаҳарсозлиги тарихини қуйидаги уч босқичга ажратиш таклиф қилинади: 1. Илк антик (Авесто даври) – мил.ав. IX – мил.ав. VI асрлар; 2. Ўрта антик (Бақтрия-Сўғдиёна шаҳарсозлиги) – мил.ав. IV-II асрлар; 3. Кечки антик (Кушонлар даври) – мил.ав. I – мил. IV асрлар.

Мил.ав. II минг йилликларнинг ўрталарида Амударё ва Хиндикуш оралиғида Бақтрия цивилизацияси пайдо бўлади. Бу маданият Амударё орқали Сурхондарёга ва кейинроқ Хоразмгача тарқалган. Мил.ав. II минг йилликларнинг охирларида Фарғона водийсида йирик дехқончилик манзилгоҳлари шаклланади. Ушбу манзилгоҳлар вақtlар ўтиши билан агломерацияларга кенгаяди ва шу орқали биринчи шаҳарлар маданияти

Самаркандского Согда. -Т.: 2002. - С. 230. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. -Т.: 1982. - С. 160. Эшов Б.Ж. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. -Т.: Зарқалам. 2004. - 163-б. ва бошк.

² Po'latov X. Shaharsozlik tarixi. O'quv qo'llanma. – Т.: 2008. – 6 б.

(протоشاҳарлар маданияти) пайдо бўлади. Уларнинг квадрат ёки айлана режалари коинот рамзи ҳисобланган. Шаҳарларнинг марказларида ибодатхоналар ва саройлар жойлаштирилган.

Мил.ав. XVIII-XIV асрларга мансуб Сополлитепа манзилгоҳи квадрат (82x82 м) периметрдаги деворга эга. Девордан ташқари тарафга “Г” ва “Т”-симон Месопотамия йўлаклари бўртиб чиқкан. Бу душманларни пистирмага туширадиган жой ҳисобланган.³ Сополлитепанинг ташқи девори тўғри ва аниқ шаклда қурилган. Лекин унинг ичида қурилмалар тартибсизdir. Демак ташқи мудофаа девор ва ички қурилмалар турли даврларда бунёд этилган. Буни у ердаги ғишт ўлчамларининг фарқ қилишида ҳам кўриш мумкин.⁴ Чунки шаҳар деворини жуда ҳам аниқ тарзда қурган халқ унинг ичкарисидаги биноларни тартибсиз қуришига ишониш қийин. Ушбу ёдгорликнинг Авестода келтирилган Вар типидаги шаҳар билан ҳам умумий жиҳатлари мавжудлиги, лекин айнан у эмаслиги хусусида А.Аскаров айтиб ўтган.⁵

Чодирли шаҳар-манзилгоҳлар хақида манбаларда қуйидагича келтирилади:

Наршахийнинг ёзишича⁶, “Бухорода дастлаб одамлар ўтов ва палаткаларда яшаган. Вақтлар ўтиши билан одамлар сони ошиб, қурилмалар пайдо бўла бошлаган. ... Бу жойлар ҳали шаҳар эмас эди”;

Бошқа бир манбада⁷ қуйидаги сўзлар келтирилган: “Гуз, Печенег, Кифчах ва Маджгари мамлакатлари аҳолиси эса ўз шаҳарига эга эмаслиги ва улар ўтовларда яшаган”;

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо⁸ ўз кундалигида шундай деб ёзиб қолдирган: “Дилқушо боғи олдида кенг далалар бўлиб, уларда анхор

³ Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т.: 2014.

⁴ Аскаров А.А. Сапаллитепа. – Т.: 1973. – С. 13, 102.

⁵ Аскаров А.А. Сапаллитепа. – Т.: 1973. – С. 136-137.

⁶ Мухаммад ан-Наршахий. Тарихи Бухара. История Бухары. Перевод, комментарий и примечания Ш.С.Камолиддин, Е.Г.Некрасова. SMI-ASIA, MultiMedia-ASIA, 2011 г. – С. 22-23.

⁷ Шамсиддин Камолиддин (ред.). Проблемы древней и средневековой истории Чача. LAP LAMBERT Academic Publishing. 2013 г. – С. 202.

⁸ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – НМИУ: 2010. – 164 б.

ва талай ариқлар оқиб туради. Подшоҳ мана шу майдонда ўзи ва хотинлари учун чодир тикишни буюрди. ... Подшоҳнинг чодири тикилгандан кейин ҳар бир кишининг ўз чодирини қаерда, қандай жойлаштирилиши аниқ эди. ... Уч-тўрт кундан кейин салтанат чодирлари атрофида қарийб йигирма минг чодир пайдо бўлди”;

Қ.Насриддинов ва П.Равшановларнинг ёзишича⁹: “Кебекхон Нахшаб (Насаф) харобасидан 16 чақирим жануброқда ҳозирги Қарши темир йўли шоҳбекатига яқин бўлган Захҳоки Морон тепалигида ўзи учун қароргоҳ бино қиласи. Кебекхон ўрнашган жой дастлаб шоҳона чодирлардан ташкил топган бўлса-да, аста-секин иморатлар пайдо бўла бошлайди”;

Алп Эр Тўнга (Афросиёб) китобида¹⁰: “Айтадиларки, Чин мамлакати сарҳатиданки, уни Хонжу деб атайдилар, асосий ерлар, масалан, Туркистон замон мамлакати чегараларигача унинг ҳукумати қўли остида эди. Хиргоҳ (чодир маъносида – Т.М.) удуми унинг ихтиrolариданdir” – деб ёзилган. Хитойлик тадқиқотчи Бао Мупинг бўйича, бундай чодирли шаҳарлар Мўғулистанда яқин даврларгача мавжуд бўлган.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда Сополлитепа дастлаб чодир шаҳар-манзилгоҳ сифатида шаклланган деган хulosага келиш мумкин. Шунингдек бу типдаги шаҳар намуналарини Қадимги Хоразмдаги Кўзалиқир (мил.ав. VII-VI а.а.), Қалъалиқир (мил.ав. IV а.) манзилгоҳларида ҳам учратиш мумкин. Қалъалиқир қўрғондеворида 2 параллел ички коридор, Кўзалиқирда эса 3 та йўлак мавжуд. Улардан бошқа ҳеч қандай топилмалар чиқмаган. Демак, ушбу икки шаҳарни ҳам чодир шаҳар-манзилгоҳ типига киритишимиз мумкин. Бундай типдаги шаҳарларда қўрғондеворлар икки ҳимоя ва тураг жой функцияларини бажарган.

Ўрта Осиё ҳалқлари ҳақидаги энг қадимги манбалар Авестода берилган. Ўрта Осиё ҳудудида ушбу ҳудуднинг аҳамонийлар империясига киргунига қадар икки йирик сиёсий бирлашма – “Катта Хоразм” ва “Бактрия подшолиги”

⁹ Насриддинов Қ. Қарши Регистони. – Т.: 2014. – 26 б.; Раванов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: 1995. – 432-433 бетлар.

¹⁰ Ражабов Қ. Алп Эр Тўнга (Афросиёб). – Т.: 2014. – 53 б.

мавжуд бўлган. Мил.ав. II минг йилликлар даври Ўрта Осиё бўйича тарихий манбалар мавжуд эмас, шунинг учун ушбу даврларни ёритишида археологик материаллар муҳим ҳисобланади. Бу вақтларда дехқончилик учун қулай, суви яхши ҳудудлар йирик ўлчамга эга бўлган. Масалан, Жарқўтон – мил.ав. II минг йилликнинг охирги чорагида – 100 гектар, Намозгоҳтепа - мил.ав. II минг йилликнинг бошида – 70 гектар, Шахри-Сохта - мил.ав. III минг йилликнинг 2-ярмида – 150 гектар эди¹¹.

Ўрта Осиё халқлари тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар қадимдан ўрта асрларгача бўлган даврдаги урбанистик жараёнларнинг турли ривожланиш моделларини ишлаб чиқкан. Академик Э.В.Ртвеладзе Бақтрия ва Тохаристонда урбанизация жараёнлари эволюциясини 5 га ажратади: 1. Бронза даврига мансуб қадимги урбанизациялашган манзилгоҳлар (мил.ав. II минг йилликнинг 1-ярми – мил.ав. I минг йилликнинг боши); 2. Илк темир даврида шаклланган шаҳарлар (мил.ав. I минг йилликнинг боши – мил.ав. IV аср); 3. Эллинистик – антик даврларда шаҳарларнинг ривожи (мил.ав. III аср – мил. III аср); 4. Ўтиш давридаги шаҳарлар (мил. III асрнинг 2-ярми – мил. V асрнинг 1-ярми); 5. Янги илк феодал шаҳарлар (мил. III асрнинг 2-ярми – IX асрнинг боши).¹²

Х.Ш.Пўлатов Қадимги Турон (Ўрта Осиё) шаҳарсозлигини тўрт йирик даврга ажратади: 1. Илк давр (мил.ав. 4 минг йиллик – мил.ав. VI аср ўртаси); 2. Аҳамонийлар даври (мил.ав. 558-330 йил); 3. Илк антик давр (мил.ав. 330 й. – мил.ав. I аср); 4. Сўнгги антик давр (мил. I-VI асрлар).¹³

Б.А.Литвинский Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнлар эволюциясини 5 та босқичга бўлади: 1. Протоشاҳарлар (мил.ав. II минг йиллик); 2. Қадимги шаҳар манзилгоҳлари (мил.ав. II минг йилликнинг охири – мил.ав. I минг йилликнинг биринчи уч асли); 3. Антик шаҳарлар (мил.ав. VI-IV асрлар); 4. Шаҳарсозлик дуализми ва Ўрта Осиё ва эллинистик маданиятлар синтезининг

¹¹ Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Монография. - Самарканд-1993.

¹² Rtveladze Э.В. Формирование городов Бактрии-Тохаристана. Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда (IV в. до н.э. – III в. н.э.). -Т.: 1986.

¹³ Po'latov X. Shaharsozlik tarixi. O'quv qo'llanma. – Т.: 2008. – 24 б.

бошланиши (мил.ав. IV-II асрлар); 5. Ўрта Осиё – эллинистик – ҳинд маданиятларининг юқори даражадаги синтези ва қадимги шаҳарларнинг ривожи (мил.ав. I – мил. III-IV асрлар)¹⁴. Бу ерда биринчи 2 босқич Ўрта Осиёда мил.ав. VI-IV асрларда классик антик шаҳарларнинг шаклланиши учун пойдевор вазифасини ўтаб берган.

В.В.Бартольд томонидан ишлаб чиқилган шаҳар бўйича концепция Ўрта Осиё урбанистикасида жуда ҳам кенг тарқалган ҳисобланади. Муаллифнинг фикрича, IX-XII асрлар шаҳарлари учун уч қисмли топография – арк (арк), шаҳристон (қадимги шаҳар, тураг жой кварталлари) ва рабод (хунармандчилик жойлари) характерлидир¹⁵. Ушбу қараш факатгина феодал шаҳарлари учун характерли бўлиб, илк классик шаҳарлар учун мос эмас.

Тарихчилар “шаҳар” тушунчасини аниқлаштиришда, ҳудуднинг катта-кичкилиги, структураси ва бажарадиган функциясининг характерига қўпроқ аҳамият беришади. Қадимги шаҳарларнинг энг ишончли мезонларидан бири унинг ички структуравий тузилишидир.

Ю.А.Заднепровский қадимги Фарғонанинг шаҳарлари учун 5 хил археологик мезонни ажратади: 1. Манзилгоҳлар йирик ўлчамга эга бўлган; 2. Мудофаа тизими ривожланган; 3. Арк мавжуд бўлган; 4. Марказ атрофида қишлоқ хўжалиги воҳалари шаклланган; 5. Манзилгоҳлар хунармандчилик фаолияти ва олди-сотди (айирбошлаш) маркази ҳисобланган¹⁶.

В.И.Гуляев тарихий шаҳарлар бўйича манбаларни умумлаштирган ҳолда 8 та археологик атрибутларни ажратишни таклиф этади: 1. Сарой мажмуаларининг мавжудлиги; 2. Монументал ибодатхоналарнинг (диний иморатларнинг) мавжудлиги; 3. Сарой ва диний қурилмаларнинг умумий тураг-жой қурилмаларидан девор, ҳандақ ва бошқалар билан ажратилиши ва ушбу ҳудудларнинг манзилгоҳнинг қўзга кўринарли марказий қисмида жойлашиши; 4. “Муқаддас кварталлар”нинг бошқа ҳудудлардан монументал

¹⁴ Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город (Местные традиции и иноземные модели). Древний Восток. – Города и Торговля (III-I тыс. до н.э.). -Ереван: 1973.

¹⁵ Бартольд В.В. Работы по археологии, нумизматики и этнографии. Сочинение, Т.IV. –М.: 1966.

¹⁶ Заднепровский Ю.А. Древние города и этапы урбанизации Средней Азии. Зоны и этапы урбанизации. -Т.: 1989.

ҳайкалтарошлиқ, рангтасвир ва бошқалар жиҳатидан бойлиги; 5. Шоҳ қабрларининг мавжудлиги ва уларда қимматбаҳо буюмларнинг бўлишлиги; 6. Монументал санъат намуналарининг мавжудлиги; 7. Ёзув санъати – эпиграфиканинг борлиги; 8. Миқдорий қўрсатгичлар: катта майдон, кўплаб турар жой ва жамоа қурилмаларининг мавжудлиги, улардаги тифиз аҳоли ва бошқалар¹⁷.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, шаҳар сифатларининг энг муҳим белгиларидан бири девор ва мудофаанинг мавжудлигидир.

Ўрта Осиёда урбанизация жараёнлари босқичларини Т.Ширинов қўйидаги босқичларга бўлишни таклиф этади: жамоа манзилгоҳлари, протоشاҳар ва илк шаҳар. Шунингдек Т.Ширинов 9 та археологик шаҳар атрибутларини келтиради: 1. Жамоа бошлиқлари ёки ҳукмдорлари истиқомат қиласиган саройларнинг бўлиши; 2. Ўлканинг диний маркази бўлган маҳобатли ибодатхоналарнинг мавжудлиги; 3. Мудофаа деворлари билан ўралган аркнинг бўлиши ва унда сарой аҳолиси яшайдиган уйларнинг жойлашиши; 4. Кенг ҳудудда (3-6 гектардан кам бўлмаган) шаҳар аҳолиси яшайдиган иморатларнинг бўлиши, умумжамоа учун хизмат қиласиган иншоотларнинг жойлашиши, ўша ҳудудда ишлаб чиқариш кучлари – ҳунармандчилик устахоналари ва дастгоҳларнинг жамланиши; 5. Юқори даражада ривожланган ҳунармандчилик (кулолчилик, чилангарлик, тўқимачилик, қурилиш, тошга ва терига ишлов берувчи кўнчилик) кварталларининг бўлиши; 6. Мухр ёки қимматбаҳо буюмлар учрайдиган “бой” қабрларнинг мавжудлиги; 7. Шаҳар аҳолисининг иерархиясини қўрсатувчи аҳоли истиқомат қиласиган уйларининг бир-биридан тубдан фарқ қилиши; 8. Савдонинг ривожини қўрсатувчи, бошқа маданиятларга хос бўлган ашёларнинг топилиши; 9. Глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув шаклларининг бўлиши¹⁸.

¹⁷ Гулъяев В.И. Города-государства Мая (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). –М.: 1979.

¹⁸ Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Монография. - Самарканд-1993.

Ўзбекистон ҳудудидаги қайси манзилгоҳни илк шаҳар намунаси сифатида қабул қилиш борасида бугунги кунда бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, мил.ав. II минг йилликларга мансуб Жарқўтон А.А. Асқаров томонидан Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк деҳқончилик маданияти ёдгорлиги, Т.Ш. Ширинов томонидан илк шаҳар сифатида талқин қилинади. Ушбу манзилгоҳ икки арк ва шаҳристон қисмларидан иборат. Арк ҳудуднинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, умумий майдони 3 гектар. 1,20-1,50 метр қалинликдаги мудофаа девори билан ўралган. Аркнинг ғарбий томонида Жарқўтон “шоҳлар саройи” (42x42 м) жойлашган. Шаҳристон аркнинг шимоли-шарқий, шарқий ва жанубий томонларида жойлашган. Унда Жарқўтон олов ибодатхонаси (60x44,5 м) очиб ўрганилган. Шаҳристоннинг жанубий ва жануби-ғарбий томонида қабристон жойлашган. Уларни табиий жарлик ажратиб турган. Ушбу ёдгорликнинг юқорида келтирилган 14 та архитектура-шаҳарсозлик атрибутларига мос келишини инобатга олган ҳолда, бизнинг фикримизча Жарқўтон илк шаҳар сифатида шаклланган.

Арк атрофида манзилгоҳлар каби шаклланганprotoшаҳарлар тури илк шаҳарларнинг ўсишига олиб келган. Антик даврда икки ёки уч қисмли шаҳарлар арк атрофида шу тарзда ривожланган. Бу даврда асосан атрофи йўлакли девор билан ўралган, ичидаги айтарли иморатлари бўлмаган, шаҳар саҳнида барча бинолар чодирдан тикланган “чодирли” шаҳар-манзилгоҳлар ва марказидан шаҳарнинг асосий кўчаси кесиб ўтувчи, шаҳар тўрида маъмурий, савдо, жамоат бинолари жойлашган, бир дарвозали тўртбурчак шаклидаги дуал шаҳарлар шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Эллинизм даври бошларида юононлар тартибли режасига асосланган ҳолда, Амударё бўйларида тўғри тўртбурчак шаклли шаҳарлар ривожланади. Мил.ав. III асрда Амударё кечувида Юонон-Бақтрия шоҳи Деметрий Деметрия (кейинчалик Дермед, Термед, Термез) шаҳрини бунёд этади. Ушбу шаҳар 450x120 м ўлчамли тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, мудофаа девори билан

ўраб олинган. Кушонлар давридаги Деметрия шаҳри аркга айланиб, шаҳар 500 гектаргача кенгаяди.

Эллинизм даври режаси таъсирини Хоразм шаҳарларида ҳам қўриш мумкин. Хоразм мил.ав. 250-125 йилларда Юнон-Бақтрия подшолигига киргач, Амударё бўйлаб шаклланаётган янги шаҳарсозлик ғоясини қабул қиласиди. Хоразмда мил.ав. III аср – мил. III асрларда тартибли режадаги шаҳарлар ва манзилгоҳлар анъанаси ўрнатилади. Мил.ав. II асрдан Фарғонанинг кўчманчи ва ўтрок қабилалари Довон подшолигини ташкил этишади. У 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлар, қалъалар, феодал қўргонлардан иборат бўлган.¹⁹ Антик даврда Сурхондарё ҳудудида ҳам бир қанча шаҳарлар шаклланган. Жумладан, Зартепа, Кузнақалъа, Далварзинтепа ва бошқалар. Шунингдек, ушбу ҳудудда рельефга боғлиқ бўлган шаҳарлар ҳам шаклланган. Бундай шаҳарлардан бири Кампиртепа (мил.ав. III аср – мил. III аср) ҳисобланади.

Мил.ав. VI асрдан мил. III асргача замонавий Тошкентнинг жанубида арк, сарой-ибодатхона комплекси ва тўғрибурчакли шахристондан иборат бўлган Мингўрик дехқончилик шаҳарчаси тараққий этади.


Буларнинг барчаси, антик давр ва ўрта асрлар чегарасида қўплаб унча катта бўлмаган протоشاҳарлар мавжудлиги, лекин уларнинг ҳалқали шаҳарчаларга фаол тарзда кенгайганлигидан далолат беради. Икки ҳалқали шаҳарлар йирик ислом шаҳарларининг ички (рабоди доҳил) ва ташқи (рабоди хориж) қисмларга бўлинишига туртки бўлган.

Сўнгги бронза ва илк темир даври Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида муҳим бурилишлардан бири бўлган давр ҳисобланади. Айнан мана шу даврларда ушбу ҳудудларда шаҳар маданияти шакллана бошлаган. Жумладан, Сополлитепа ёдгорлиги протошаҳар, Жарқўтон ёдгорлиги эса илк шаҳар намунаси сифатида шаклланган. Демак, Ўрта Осиё ҳудудида шаҳарлашув жараёни 3500 йил олдинга бориб тақалади деган гипотезани олға суришимизга тўлиқ далиллар етарли. Бунинг қуйидаги уч асоси ва манбаи мавжуд: 1.

¹⁹ Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т.: 2014.

Оташпарастликнинг муқаддас китоби “Авесто”да “вар” ёки “вара” кўринишидаги қалъа қурилиши ҳақида сўз боради. Олимлар бу қалъани шаҳар деб тушунишади. Гарчи “Авесто” яратилишининг 2700 йиллиги нишонланган бўлсада, кўпчилик олимлар унинг вужудга келишини мил.ав. II минг йиллик билан боғлашади. Демак Авестода мадҳ этилган “вар”- шаҳар ҳам тахминан уч минг йилдан зиёд тарих билан боғлиқ бўлган; 2. Мил.ав. II минг йиллик билан белгиланган Сополлитепа археологик ёдгорлиги 82x82 м ўлчамли шунчалик мукаммал қалъани ташкил этадики, уни қурган жамоанинг яқин авлодлари юксак шаҳарсозлик маданиятини яратган дея тахмин қилиш мумкин; 3. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (Осор ул-боқия)” асарида Қадимги Хоразм халқлари ўз давлатларини Искандар Зулқарнайн босқинидан 980 йил илгари ташкил этганлигини, уларнинг давлат тили, ёзуви ва бошқа барча давлатчилик атрибути бўлганлигини ёзади. Ўша даврларда давлатлар шаҳар-давлат кўринишида бўлганлигини ҳисобга олсак Хоразм шаҳарсозлиги тарихи тахминан мил.ав. XIV асрга бориб тақалади деган хulosага келиш мумкин.

Шаҳарларнинг ривожланиши ва шаҳар ҳудудининг улов турларига боғлиқлиги



Шаҳарнинг концентрик (А), секторли (Б), кўп ядроли (В) ривожланиши



Улов турларига боғлиқ манзиллар радиусларининг кенгайиши



СОПОЛИТЕПА
(мил.ав.ги 2-минг йилликнинг 1-ярми)




Д.Нозилов реконструкцияси




Ў.Назаров реконструкцияси


Чодир шаҳар намуналари




Құзалиқир шаҳри (мил.ав.ги IV-III асрлар)



Құзалиқир шаҳри. Девор реконструкцияси
(В.А.Лавров бүйича)




Қоракүрүм шаҳри
(Bao Muping бүйича)



Қалъалиқир шаҳри
(мил.ав.ги IV-III асрлар)

Дуал шаҳар намуналари

ТЕШИК ҚАЛЪА
(мил.VI-VII асрлар)




ТУПРОҚ ҚАЛЪА
(мил.ав.ги III аср)


ЖОНБОЗ ҚАЛЪА
(мил.ав.ги III аср)



Уч қисмли шаҳарларнинг пайдо бўлиш жараёни

Қадимги Бухоро





2. ЎРТА АСРЛАР (МИЛ. V-XV АСРЛАР) ВА XVI-XIX АСРНИНГ 1-ЯРМИДА ШАҲАРЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

III-IV асрларда Кушонлар империяси таназзулга учрайди. Амударё бўйларида эллинизм ўчоқларида ислом архитектураси учқунлари пайдо бўла бошлайди. V асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда шарқий – эронлик эфталитлар давлати барқарорлашади. Дехқончилик, хунармандчилик ва савдо ривожланади. Илк ўрта асрларда кўшк-қалъаларнинг аҳамияти ошади. V-VI асрларга мансуб Шимолий Термиз ҳудудида жойлашган кўшк 10 м баландликдаги тепалик қурилган бўлиб, тарҳ Месопотамия йўлаги шакли тарзида режаланган. Кўшкга кириш унинг ёнида жойлашган минорадан кўтарма кўприк орқали амалга оширилган. Хоразмдаги VI-VII асрларга мансуб Тешик қалъа кўшки тўғрибурчакли мудофаа девори устида қурилган. Унга алоҳида минорадан осма кўприк орқали кирилган. Самарқанд яқинидаги VII асрга мансуб кўшк душманлар учун чалғитувчи йўлаклар кўринишида

режаланган.²⁰ Шунингдек, бу давларда Қадимги Хоразм ҳудудида Яккапарсон ва Қўшпарсон кўшклари ҳам бунёд этилган эди. VII-VIII асрларда эса Тошкентнинг шимолий-ғарбий қисмидаги Қорақамиш ариғи бўйида Оқтепа дехқонлар кўшки қад ростлайди.

V-IX асрларда аксарият қадимги шаҳарлар таназзулдан чиқиб қайта тикланган. Карвон йўллари бўйларида эса янги шаҳарлар пайдо бўлган. Уларнинг тузилиши аввалги вақтдагидан фарқланган. Шаҳарларнинг тараққиёти натижасида атрофида рабодлар шаклланган.²¹ Протоشاҳарлар секин-асталик билан – шаҳарларга, кўшк-қалъалар эса – шаҳар аркига айланади.

VI асрнинг 2-ярмида бозор юқорисидаги кўшк Бухоро арки даражасига ўсади. Кўшк билан биргаликда эллинистик тўғрибурчакли режага асосланган Бухоро шахристони ҳам курилган эди. Бу даврда Бухородаги арк (кўҳандиз) ва шаҳарнинг ўзи (шахристон) ҳаёт кечиришга мўлжалланган шаҳар қисмларига айланади.

VII асрнинг ўрталари – VIII асрнинг 2-ярмига келиб Ўрта Осиёни араблар қўлга киритади. Шундан сўнг шаҳарларнинг янги типлари ривожлана бошлади. Форс тилидаги атамаларга араб атамалари қўшилади: шаҳар (мадина), шаҳар атрофи (рабод) сингари. Бу вақтда нафақат янги шаҳар типлари шаклланди, шунингдек шаҳар ташқариси ички ва ташқи қисмларга ҳам бўлинган эди. Улар форсий ва араб тилларида мос равишда дарун/доҳил ва берун/хориж деб номланган.

Илк ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган шаҳарлар классификациясига кўра кўп қатlamli шаҳарлар Сўғд ва Фарғона ҳудудларида ҳам мавжуд бўлган. VI-VIII асрларда Фарғонада 6 та катта ва 100 га яқин кичик шаҳарлар мавжуд эди. Бухоро ва Кеш қадимги анъана бўйича асосий кўчалар орқали тўртга бўлинган.

²⁰ Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т.: 2014. – 11-13 бетлар.

²¹ Po'latov X. Shaharsozlik tarixi. O'quv qo'llanma. – Т.: 2008. – 86-87 betlar.

Ўрта Осиёда IX-X асрларда дастлабки сиёсий ва маданий Ренессансга Бухоро шаҳри эришган эди. Шу вақтда ҳаёт кечирган араб географлари Ибн Хордодбек ва Қадамий, Истахрий ва Ҳавқал, Мақдисий ва бошқалар шаҳарлар ҳақида мукаммал ёзма маълумотлар қолдирган. Умуман олганда, ушбу даврдаги шаҳарлар учун характерли жиҳатлардан бири шаҳарларнинг тўрт қисмли ёки радиалсимон режалари чегарасида тифиз қурилишларнинг мавжудлигидир.

Шаҳарларга дарвозалар орқали кирилган. Масалан, XI-XII асрларда аксарият шаҳарлар худудий жиҳатдан кенгайган ва кириш дарвозалари 12 та бўлган.

IX-XII асрларда турли воҳа ва шаҳарларни ўраб турган узун деворлар бунёд этилади. Бухоро воҳасини ўраб турган кампирак девор, Самарқанд шаҳридаги девори қиёмат ва девори кўндаланг узун деворлари, Чирчиқ дарёси бўйлаб қурилган мудофаа узун девори, Термиз шаҳридаги узун деворлар шулар жумласидандир.

1220-1221 йилларда мўғуллар босқини оқибатида шаҳарлар вайронага айланади. Мўғуллар Амударё суви тўғонини бузиб Урганчни сув билан ювиб юборади. Чингизхоннинг буйруғи билан Самарқанднинг XI асрга мансуб тўғри тўртбурчак шаклга эга ташқи рабод девори бузиб ташланади. Шунга қарамасдан вақтлар ўтиши билан ҳаёт Мовароуннаҳр шаҳарларига яна қайтади. Мўғуллар томонидан бузилган Андижонни Чингизхоннинг эвараси Кайдухон XIII асрнинг охирида қайта тиклайди.

1330 йилларда мўғулларгача бўлган шаҳарсозлик маданияти ва архитектура ёдгорликлари қайта тикланади. Самарқанд 1333 йилларда ўзининг ҳалигача бузилиб ётган деворларига қарамай, марокколик саёҳатчи Ибн Баттутанинг таъкидлашича: “дунёдаги энг йирик ва гўзал шаҳарлардан эди”.²² Урганч XIV асрнинг 1-ярмида мусулмон дунёсининг марказига айланган эди. Шаҳар шимолга қараб кенгайиб, худуди 430 гектарга етган.

²² Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. – М.: 1988.

XII-XIV асрларда 3 та иқтисодий шаҳар типлари шаклланади: кичик бозорга эга, катта бозорга эга, шунингдек савдо йўлларига эга йирик шаҳарлар²³.

Маълумки, Амир Темур даврида бунёдкорлик ишлари жадал равиша олиб борилади. Амир Темур ҳисор гарбидаги янги арк бунёд эттиради. Шунингдек шимолдаги Оҳанин дарвозасидан жанубга қаратиб усти ёпиқ савдо кўчасини ўтказишга буйруқ беради. Бу даврда Самарқанднинг асосий мажмуавий обьектлари шимол-жануб йўналишидаги ўқда жойлашган: Амир Темур жомеси ва Бибихоним мақбараси, Регистон майдони ва Амир Темур мақбара мажмуаси бунинг яққол мисолидир. Бундан темурийлар даврида ҳам маълум бир шаҳарсозлик қоидаларига амал қилинган деган хулоса қилиш мумкин.

Бухоро, Ҳирот, Марв, Шаҳрисабз, Қарши, Байлақон, Андижон, Кўқон, Тошкент, Шоҳрухия шаҳарларининг тўртбурчак тарзда шаклланганлиги темурийлар даври шаҳарсозлигига Ўрта Осиё кўп асрлик меъморий анъаналарининг давом эттирилганлигидан далолатdir. Бизнинг фикримизча, Амир Темур Самарқанд таҳтига ўтирганда юкорида келтирилган шаҳарлар каби тўғри тўртбурчак схемада шаклланган. Кейинчалик соҳибқирон шаҳарни кенгайтириб, айланага яқин ҳисор деворини бунёд эттирган. Шаҳар ташқарисида Амир Темурнинг Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Баланд, Боғи Шамол, Боғи Беҳишт, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Бўлду, Боғи Зоғон, Боғи Амирзода Шоҳруҳ, Боғи Давлатобод, Боғи Жаҳоннамо каби боғ ва чорбоғлари бўлган. Ушбу боғларни ва улар таркибидаги кўшк-саройларни график тиклаш ишлари Пугаченкова Г.А., Ўролов А.С., Нозилов Д.А., Раҳимов К.Ж., Содиқова С.Н., Маматмусаев Т.Ш., Гильманова Н.В. ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

“Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳирот шаҳарлари тузилиши шуни кўрсатадики, темурийлар даврида шаҳарларининг бурж ва дарвозалари бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан қуршаб олинган. Ҳар қайси шаҳар

²³ Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т.: 2014.

ўзининг арки ва ҳисоридан ташкил топиб, унинг марказий қисми, кўчалар кесишган жойда ёпиқ савдо гумбазлари – чорсулар ажралиб турган. Жума масжидлари шаҳар бозори билан марказни ташкил этса, бош мадраса олдидаги майдонлар шаҳарнинг иккинчи бир марказини ифодалаган. Хунармандлар, ҳунармандчилик касб-корига кўра, аҳолининг табакаларига бўлиниши маҳалла, даҳа сингари шаҳар қисмларини келтириб чиқарган. Бош кўчалар ҳунармандчилик ва савдо расталаридан иборат бўлган. Унчалик кенг бўлмаган кўчалар майдон ва ҳовузлар воситасида аҳоли юриш ва тўхташ жойларини ташкил этган” – деб ёзади М.Қ.Аҳмедов²⁴.

Тарихий шаҳарларда Регистон номли бош майдонлар бўлган. Масалан, Самарқанддаги Регистон майдони XV асрда шаклланган бўлиб, бугунги кундаги кўринишини XVII асрда олган. Регистон майдонлари Ўрта Осиёning кўплаб тарихий шаҳарларида мавжуд бўлган.

Темурийлар даврида Самарқандда 6 та, Бухорда 11 та, Тошкентда 12 та, Шаҳрисабзда 4 та, Марвда 5 та, Эски Термизда 6 та кириш дарвозалари мавжуд бўлган. Шаҳарларда дарвозалардан ташқари дарб, қопқа, боб сингари эшиклар ҳам бўлган. Улар дарвозадан кичикроқ бўлган ва шаҳарни мавзе аҳолиси билан боғлаб турган.

Шаҳар йирик қисмларидан арк - шаҳарда функционал зарурлиги бирламчи бўлган қисм ҳисобланиб, диз, кўҳандиз, қалъа, ўрда номлари билан ҳам ишлатилган; шаҳристон эса – шаҳарнинг иккинчи навбатдаги зарурий қисми бўлиб, ҳисор, мадина (мадина доҳил) номлари ҳам қўлланилган; рабод – шаҳар теварагидаги қурилмалари сийракроқ бўлган қисм бўлиб, мадина хориж, сурдиқат номлари билан ҳам ишлатилган. Ушбу йирик қисмлардан ташқари шаҳарларда кичик қисмлар (йирик ва кичик бўлинмалар) ҳам мавжуд бўлиб, улар турли худудларда турлича номлар билан аталиб келинган:

²⁴ Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. -Т.: 1995.

№	Шаҳар номи	Йирик бўлинма номи	Кичик бўлинма номи
1	Андижон	даҳа	маҳалла
2	Бухоро	жариб	гузар
3	Марғилон	даҳа	маҳалла
4	Самарқанд	қитъа	гузар
5	Тошкент	даҳа	маҳалла
6	Хива	элот	масжид-қавм
7	Қўқон	даҳа	маҳалла

Илк ўрта асрларда Кушонлар империясининг қулаши натижасида шаҳарлар таназзули кузатилади. Шу сабали кўшк-қалъалар қурилишининг аҳамияти ошади. V-VI асрларга келибprotoшаҳарлар секин асталик билан – шаҳарларга, кўшк-қалъалар эса – шаҳар аркига айланади. Ўрта асрларда шаҳарлар уч қисм (арқ, шаҳристон ва рабод)дан иборат бўлиб, йирик шаҳарларда уларнинг ҳар бири алоҳида қўрғондеворлар билан ўраб олинган эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида шаҳарлар тўғри тўртбурчак шаклда режаланган. Тўрт томондан келадиган асосий кўчалар шаҳарни тўрт қисмга ажратган. Темурийлар даврида Самарқанд шахри рабоди айниқса ривож топиб, унинг функцияси ҳам кенгайган. Бу даврга келиб рабодларда нафақат боғлар, балки кўплаб кўшклар ва илмий иншоотлар ҳам бунёд этилган эди. Тадқиқотда Чилсутун, Боғи Бўлди ва Боғи Давлатобод кўшк-саройларининг ilk архитектуравий қўринишла-рини график тиклашга муваффақ бўлинди.

Умуман олганда, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида шаҳарлар тутган ўрин турли даражада бўлиб, у кўп ҳолларда мазкур марказнинг қулай географик ва топографик шарт-шароитлар мавжуд бўлган ерларда шаклланиши ва равнақ топиши билан характерланади. Бундай шаҳарлар жумласига ўрта асрларнинг йирик савдо-иқтисодий ва маданий марказлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қарши, кейинчалик Қўқон ва бошқа шаҳарларни киритиш мумкин. Шаҳарларнинг қулай карвон

йўлларида жойлашуви уларнинг транзит савдо марказларига айланишида ва иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутган.

XVI асрнинг 1-ярмида Мовароуннахрда ҳокимият учун узоқ йиллик урушлар, сиёсий тушкунлик мамлакат иқтисодига катта таъсир етказди. Фақатгина XVI асрнинг 2-ярмига келибгина Мовароуннахрда мустақил давлатлар - Бухоро ва Хива хонликлари ташкил бўлиб, ўзини тиклай бошлади. XVIII асрнинг 1-ярмидаги халқаро савдонинг таназзулга учраши, ўзаро урушлар ва кўчманчи қабилаларнинг тарқалиб кетиши Ўрта Осиёдаги ҳокимиятни ва тартибни танг аҳволга келтириб қўйган эди. Кейинчалик XVIII асрнинг 2-ярмида ташқи савдо яна жонлана бошлайди. Шу тариқа 1763 йилда Бухоро, Хива ва Кўқон хонликлари шаклланади.

Европанинг Атлантика океани орқали савдо йўлини очиши билан, Буюк Ипак йўли тарихга айланади. Шу тариқа Шайбонийлар Россия ва Ҳиндистон билан иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиради.

Хонликлар даврида шаҳарлар ривожланиб, масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, карvonсарой, шифохона ва бошқа типдаги бинолар бунёд этилади. 1557-1598 йилларда Абдуллахон II Бухоро атрофида Шайбонийлар сулоласини мустаҳкамлайди. Шу тариқа Бухоро Сомонийлар (IX-X асрлар) ва Қорахонийлар (X-XI асрлар)дан кейинги юксалишни бошидан кечиради. Бу давр шаҳарсозлигига мажмуасозлик ғоялари етакчи ўринга чиқади.

XVI аср охиридан то XIX асрнинг 1-ярмигача Бухоронинг 10 км атрофидаги шаҳар девори бўлиб, у хом ғишт ва пахсадан қурилган эди. Дарвозалар эса пишиқ ғиштдан ишланган.²⁵

XVI асрдан бошлаб Хива бир неча бор хонликнинг пойтахти деб эълон қилинган эди. XVII аср бошларида, Араб Муҳаммад даврида (1602-1623 йиллар) Хоразмда нисбатан сиёсий барқарорлик ўрнатилгач, Хива ҳақиқатан ҳам давлатнинг пойтахт шаҳрига айланади. Қурилиш ишлари бирмунча кенгаяди. Хива айниқса XIX асрда юксак тараққий этган эди. Хива хонлиги


²⁵ Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. – М.: 1950. – С. 104.

Архитектура йўналиши

кенгайиши ва мустаҳкамланиши муносабати билан Иchan қалъа ва Дишан қалъада қурилиш суръати жадаллашди.

Қўқон хонликлари даврида (1709-1876 йиллар) Қўқон шахри Ўрта Осиёning энг йирик сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айланади. Умархон даврида, шаҳар Қўқанди Латиф (гўзал, ёқимли ва нафис шаҳар) деган нисбатга эга бўлди. Меъморчилик, ҳунармандчилик, илм-фан, савдо-сотик ниҳоятда ривожланди. Шаҳарсозлик маданияти анъанавий сўнгги ўрта аср шаҳарлари усулида шаклланиб, битта умумий марказга эга бўлган шахристон радиал режага эга бўлиб, мудофаа девори билан ўралган эди.

Сўнгги ўрта асрларда шаҳарлар ҳудуди турли қисмларга бўлинган бўлиб, уларнинг сони айрим муллифларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёning турли ҳудудларида ҳар хил бўлган. Масалан, Самарқанд, Марғилон шаҳарлари тўрт қисмга²⁶, Шаҳрисабз эса икки қисмга бўлинган эди²⁷. Қўқон шахри эса шаҳарнинг 12 дарвозасига мувофиқ равишда 12 қисмга бўлинган эди²⁸. Тошкент эса тўрт қисм - даҳага бўлинган бўлиб, улар - Кўкча, Себзор, Шайхонтохур, Бешёғоч даҳаларидан иборат эди²⁹.




²⁶ Турсунов Н.О. Развитие городских сельских поселений. –Душанбе: 1991.

²⁷ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. –Т.: 1958.

²⁸ Хорошкин А. Очерки Кокана. –Спб: 1876.

²⁹ Малицкий Н.Г. Ташкентский махалла и маузи. –Т.: 1926.



Шаҳарлар йирик қисмларининг номланиши

Арк – диз, кўҳандиз, қалъа, ўрда номлари ҳам ишлатилган (шаҳарда функционал зарурлиги бирламчи бўлган қисм);

Шаҳристон – ҳисор, мадина номлари ҳам ишлатилган (иккинчи навбатдаги зарурий қисм);

Рабод – сурдиқат номи ҳам ишлатилган (шаҳар теварагидаги қурилмалари сийракроқ бўлган қисм)

Шаҳарлар кичик қисмларининг номланиши

№	Шаҳар номи	Йирик бўлинма номи	Кичик бўлинма номи
1	Тошкент	даҳа	маҳалла
2	Бухоро	жариб	гузар
3	Хива	элот	масжид-қавм
4	Андижон	даҳа	маҳалла
5	Самарқанд	қитъа	гузар
6	Термиз	манзилгоҳ (?)	-

3. XIX АСРНИНГ 2-ЯРМИ – XX АСРДА ШАҲАРЛАР ТУЗИЛИШИ. ИККИ ТУЗИЛМАЛИ ШАҲАРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

XIX асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳам ўша вақтдаги энг илғор ҳисобланган Европа ва Россия маданияти билан тўқнаш келади. Рус меъморлари европа шаҳар моделларини Туркистон ўлкасига мослаштириб киритади ва шаҳарлар радиал-ҳалқасимон режада шаклланади.

Рус шаҳарлари дастлаб қалъа девори ичидаги режалаштирилган бўлиб, секин-асталик билан кенгайган. Тошкентда рус шаҳри ўлкада шаклланган шаҳарсозлик қонуниятлари асосида, яъни пиёда юриш радиуси 1500 м бўлган қонуният асосида режалаштирилган эди³⁰. Бундай “янги шаҳарлар” айrim қадимиш шаҳарларнинг чеккаларида, ёнларида, улардан маълум бир масофада вужудга келди. Самарқандда ва Тошкентда дастлабки “янги шаҳарлар” қадимги қалъалар бузиб, уларнинг ўринларида қурилади.³¹ Эски ва янги қисмлардан иборат бундай шаҳарлар, кейинчалик “икки қисмли” ёки “икки структурали” шаҳарлар деб номланган. Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида янги шаҳар бўш худудда уч нурли режада шакллантирилади.

1865 йилда Тошкент шаҳрида Писаревскийнинг лойиҳаси асосида ўрда худудидан қарийб 700 м жануброқда рус қалъаси бунёд этилади. Писаревскийнинг 1866 йилдаги лойиҳасига асосан рус шаҳри қалъадан жанубга қараб радиал-ҳалқасимон тарзда ривожланиши керак эди. Лекин Туркистон генерал губернаторлигининг Тошкентни марказ қилиш мақсади бу лойиҳанинг амалга ошишига имкон бермайди. Кейинчалик М. Колесниковнинг 1866-1869 йилларда бажарган лойиҳасига асосан шаҳар шарқ томонга қараб шахматсимон структурада, 1870 йилдаги Макаров лойиҳаси асосида ярим радиал-ҳалқасимон режада шаклланган.³²

³⁰ Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т.: 2014.

³¹ Po'latov X. Shaharsozlik tarixi. O'quv qo'llanma. – Т.: 2008. – 249 б.

³² Булатов М.С. Урда и крепость 1865 года в Ташкенте // Строительство и архитектура Узбекистана, 1979, №6; Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т.: 2014.

1876 йилда Кўқон хонлиги ўрнида Фарғона водийси ташкил этилади. Унга Кўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Чуст ва Ўш каби йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари кирган. XIX асрнинг охирида Фарғонанинг эски шаҳарлари сўнгги ўрта асрларда Туркистон шаҳарларига хос бўлган радиал-ҳалқасимон структурага эга эди.

Кўқонда янги шаҳар эски қисмнинг жануби-ғарбий ҳудудида шакллантирилган эди. 1876 йилда Худоёрхон саройи ҳудудида йирик тўғри тўртбурчак шаклга эга рус қалъаси бунёд этилади. 1890 йилда шаҳар архитектори М.Мауэр таклифига кўра шаҳар марказидан камроқ қурилишларга эга Араван дарвозасига қаратиб Розенбаҳовский (ҳозирги Истиқлол) кўчаси давом эттирилади. Шундай қилиб шаҳарнинг европа қисми марказдан энди ғарбга қараб ривожлана бошлайди. Темир йўлнинг Кўқондан ўтказилиши натижасида Розенбаҳовский кўчасига перпендикуляр яна бир кенг кўча Скобеловский (ҳозирги Турон) проспекти ўтказилади. Бу кўча тўғри темир йўл вокзалига бориб туташади. Шу тарзда “Т-симон” шаклдаги янги шаҳар ривожланади.³³

1876 йилда воҳанинг марказий шаҳри Кўқондан Марғилонга кўчирилади. Тарихий шаҳарнинг жанубий деворига яқин ҳудудда рус қалъаси бунёд этилади. Лекин 1877 йилда ушбу ҳудуднинг иқлими ва сувини мутахассислар ўрганиб нобоп деб топгач, шаҳар қурилиши 8 км жануброқдаги Янги Марғилон шаҳрига кўчирилади. Шу тариқа Эски Марғилон ўзининг тарихий ва анъанавий кўринишини сақлаб қолади.

Янги Марғилон шаҳри жануби-шарқий қисмдаги рус қалъасидан тарқалган нурсимон кўчалар ва уларни бирлаштирувчи ҳалқасимон кўчалар структурасида шаклланади.

Андижонда рус ҳарбий гарнizonи вақтинчалик эски шаҳар марказида жойлашган Хон ўрдаси ва Гултўба қўргонига жойлаштирилади. 1877 йилда эски шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида рус қалъаси бунёд этилади.

³³ Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере «новых городов» Ферганской долины, конца XIX – начало XX в. –Т.: 2005.

Кейинчалик қалъа ва эски шаҳар ўртасида, рус шаҳри радиал-ҳалқасимон режада бунёд этилади. Эски ва янги шаҳарларни бир-бiri билан боғлаш учун рус қалъасидан Гултўба қўрғонига қаратиб кенг кўча ўтказилади. Эски ва янги шаҳарларни темир йўл ажратиб турган эди. Наманганд шаҳрида 1878 йилда рус шаҳари қурилиши бошланган. Янги шаҳар эски шаҳарнинг шимолий қисмида шаклланган. Янги шаҳарда қалъадан бешта радиал кўча ва тўртта ҳалқа кўча ўтказилган.³⁴

Чустда янги шаҳар Кўқонда бўлгани каби эски шаҳар худудида ривожланади ва “Т-симон” шаклга эга бўлади³⁵.

Ушбу даврларда Фарғона водийси шаҳарларида “Т”-симон шаклланган янги шаҳар қисмлари (Кўқон ва Чустда) ва радиал-ҳалқасимон схемадаги янги шаҳарлар (Янги Марғилон ва Андижонда) шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Бухоро ва Хива шаҳарлари бу даврда ўз структураларини ўзгаришсиз сақлаб қолган эди.

XX асрнинг бошларида Туркистонни Россия билан боғловчи темир йўлнинг ўтказилиши янги шаҳарларнинг ривожланишига жуда катта туртки берган эди.

Темурийлар ва Чор Россияси даври оралиғида шаҳарлар ўзининг тарихий худудини сақлаб қолган ва кенгаймаган. Шаҳарлар XIX асрнинг 2-ярмигача қўрғондеворлар билан муҳофазаланган эди. Ўрта Осиёга руслар кириб келгандан сўнг, улар шаҳар арки ҳамда қўрғондеворини бузишган ва рус қалъаларини бунёд этишган. Ушбу қалъалар арк ўрнида ёки унга яқин худудда шаклланган. Баъзи шаҳарларда рус қалъаси мавжуд сарой ёки бошқарув биноларига жойлаштирилган эди. Шу тариқа янги шаҳарлар учун рус қалъаси ядро ҳисобланиб, унинг атрофида шаҳар кенгаяди. Аксарият шаҳарларда рус шаҳарлари уч нурли тарзда ва радиал-ҳалқасимон схемада шаклланган.


³⁴ Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX-начало XX веков). – Т.: 1988. – С. 119-134.

³⁵ Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере «новых городов» Ферганской долины, конца XIX – начало XX в. – Т.: 2005.

XIX асрнинг охири – XX аср боши Ўзбекистон ҳудудларидаги шаҳар маданиятининг ривожланиши асосан рус маъмурлари, ҳарбийлари ва ахолиси яшайдиган “янги” қисмларда замонавий инфратузилмалар яратиш билан чекланилиб, маҳаллий аҳоли яшайдиган “эски” қисмлар эса XVI-XIX аср даражасида қолди. Бу даврдаги шаҳар маданияти ва шаҳарсозлик мустамлака манфаатлари доирасида ривожланиб, маҳаллий аҳоли манфаатлари инобатга олинмади. Бу ҳолат эса шаҳарсозлик маданиятининг нотекис ривожланишига олиб келди. Бу давр шаҳарларида ёнма-ён икки хил манзара – рус ахолиси учун замонавий инфратузилмаларга эга янги шаҳарчалар ҳамда маҳаллий аҳоли яшовчи, замон талабларидан ортда қолган, ўтган аср қиёфасидаги шаҳарлар яққол кўзга ташланиб турган эди.

XX аср бошида шаҳарлар структурасига темир йўлларнинг ўтказилиши ҳам катта таъсир кўрсатган. Жумладан, шаҳарларнинг темир йўллар ўтган ҳудудларида ишлаб чиқариш зоналари ривожланган. Бу жихат бугунги кунда ҳам шаҳарлар структурасида яққол кўзга ташланади.





“Т” – симон шаклланган янги шаҳар қисмлари

Тарихий шаҳарларнинг ривожланиш модели



Назорат саволлари:

1. Тарихий шаҳарларнинг вужудга келиш ва тараққиёт босқичлари турларини айтиб беринг.
2. Ўрта аср шаҳарлари неча қисмдан иборат эди.
3. Шаҳарнинг асосий дарвозаларидан ташқари яна қандай номдаги кичик дарвозаларни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аскаров Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во “San’at”, 2009.
2. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Тошкент-2017.
3. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. Монография. Тошкент-2019.

**З-мавзу: ТАРИХИЙ ЖОЙЛАРДА РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА
РЕСТАВРАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ТАЖРИБАЛАРИ**

Режа:

1. Шаҳарсозлик тарихида қайта қуришга оид лойиҳаларни тузиш мисоллари.
2. Тарихий шаҳарлар қурилишида уйғунлик ва мажмуасозлик масалалари.

Таянч иборалар: реконструкция, реставрация, рельеф, транспорт тизими, марказ, мажмуа.

**1. ШАҲАРСОЗЛИК ТАРИХИДА ҚАЙТА ҚУРИШГА ОИД
ЛОЙИҲАЛАРНИ ТУЗИШ МИСОЛЛАРИ**

Асрлар давомида шаклланган шаҳарсозлик тизимларини қайта қуриш, уларни замонавий талабларга бўйсундириш (аҳоли зичлигини бартараф этиш, муҳандислик инфраструктураси билан таъминлаш ва бошқалар) ҳеч қачон

силлиқ, равон кечмайди. Қайта қуришни амалга ошириш нафақат керакли лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий масалаларни ечиш кабиларга олиб келади, балки аҳоли турмуш тарзининг, майший ҳаётининг ўзгаришига, кенгроқ мазмунда аҳолининг ижтимоий психологиясининг ўзгаришига олиб келади.

Шаҳарларнинг ўсиши ва ривожланиши нафақат атрофдаги бўш ётган янги ҳудудларни қўшиши тақозо этади, балки қадимдан тарихий қатлам билан банд ҳудудларни қайта қуришни замонавий талабларга мослаштириш заруратини ҳам туғдиради. Қолаверса юқорида зикр этилган “бўш ётган ҳудуд” дейилган ибора ҳам нисбийдир. Бу ҳудудда ер устида онда-сонда эски қурилмалар учрайди, ер остида эса археологик ёдгорликлар янги замонга ўзини намойиш этиш учун ўз вақтини кутиб турган бўлиши ҳам мумкин. Қайта қуришни лойиҳалаш ҳар қандай шаҳарсозлик қатламига, ҳоҳ у ер устида, ҳоҳ ер остида бўлсин эҳтиёткорлик билан ёндошишни талаб этади.

Шаҳарсозлик тарихида қайта қуришга оид лойиҳаларни тузиш мисоллари кўплаб учрайди. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш турлича бўлган. Баъзи ҳолларда амалга ошмаган, баъзан эса хаётга тўла ёки қисман ва ўзгартирилган ҳолда тадбиқ этилган.

Ўрта асрларда Европада Флоренция, Венеция, Рим, Лондон, Париж ва Москва шаҳарларига оид қайта қуриш лойиҳалари бажарилган.

Леонардо да Винчи Флоренция шаҳарини қайта қуриш мусаввада лойиҳасида Арно дарёси ўзанини тўғирлашни назарда тутган. Олимнинг шаҳар транспортини бир нечта баландликларда – ярусларда ташкил этиш ғояси ҳам мавжуд.

Рим шаҳарининг барокко давридаги қайта тикланиши шимолий дарвоза олдидағи Пополо майдонидан уч нур - кўча қурилиши билан характерланади. Бу шаҳардаги Испания пиллапояси икки сатҳдаги ўтган кўчаларни бирлаштиради. XVIII аср охири – XIX аср бошида Мичилетти раҳбарлигидаги комиссия томонидан шаҳар чеккаларида янги турар жой туманлари режаланган.

Лондон шаҳрининг маркази бўлмиш Ситида 1666 йилдаги ёнғин оқибатини бартараф этиш учун Кристафор Рен томонидан қайта қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳада икки нур каби ўтказилган кўча ажralади.

Австрия пойтахти Венада қадимги Рим даврида вужудга келган марказий қисм атрофида меъморий жиҳатдан фарқланган, турли стиллар бўйича ташкил этилган мажмуалар ҳалқаси - Рингштрассе вужудга келган эди. Ҳалқа автоуловлар аҳамиятига К.Александер ҳам алоҳида эътибор берган [C.Alexander. “A pattern language”, 96-98 pages, 17-pattern-улги: ҳалқа автоуловлар].

XVIII асрнинг 2-ярмида Париж шаҳрида катта қайта қуриш ишлари бажарилади. Антисанитария ва транспорт муаммоларини бартараф этиш мақсадида Сена префектида Осман бир неча кенг тўғри йўл ўтказади. Шу тариқа шаҳардаги анчагина қарама-қаршиликлар бартараф этилади. Композицион жиҳатдан Катта диаметр мавқеи ошади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу ишлар натижасида тарихий муҳитга маълум даражада талафот етказилган.

Классицизм даврида Европада тарихан эркин тарзда вужудга келган меъморий мажмуаларга оид қайта қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилган. Бу даврда қадимги услубларга классицизмга хос бўлган мунтазамлилик, яъни симметрия қўшиш ҳаракати пайдо бўлган эди. Буни Афина Акрополи ва Москва Кремли мисолларида кўриш мумкин. Москва Кремлида Баженов томонидан Катта Кремл саройи лойиҳаланади. Афинада ва Москвада мўлжалланган бундай ишлар амалга ошмаган. Агарда бундай қайта қуриш лойиҳалари амалга оширилса, мажмуаларга катта бадиий шикаст етказилган бўлур эди.

Ҳозирги шаҳарларнинг кўпчилиги узоқ ўтмишга эга. Уларнинг пайдо бўлиши қадимги даврларга бориб тақалади. Баъзилари ўрта асрларда пайдо бўлган бўлса, айримларининг ўтмишлари нисбатан яқинроқ. Масалан, Шаҳрихон ва Шоҳобод каби шаҳарлар тарихан ёш шаҳарлар сирасига киради. Тарихий шаҳарлардаги меъморий ёдгорликлар замонавий ҳаётда фаол

иштирок этиши мумкин. К.Александер ва бошқаларнинг “A Pattern language” китоби (940-page-саҳифа, 205-pattern-улги: ижтимоий муҳит белгилаган тарҳий ечим)да Бухородаги Тоқи саррафон ўрта аср меъморий ёдгорлигининг замонавий фаоллиги акс эттирилганлиги буни исботлайди.

Тарихий шаҳарларда аксари бир-бирига жуда зид бўлган жиҳатлар мавжуддир. Қадимги шаҳарсозлик тузилмалари: кўча, тураг-жой ва бошқа турдаги ёдгорликлар ўтмишдан эсадалик тариқасида шаҳарликларга азиз бўлиши билан биргаликда, улар замонавий эҳтиёжларни тўла қондира олмайдилар. Қадимги кўчалар хозирдаги кўпдан-кўп ва серқатнов транспорт воситалари учун яроқсиз. Тураг уйлар аксари муҳандисона жиҳозга эга эмас. Қайта қуриш лойиҳалари бу салбий жиҳатларни тўла бартараф этолмаса ҳам, уларнинг микдорларини камайтириши ва кескинлигини юмшатиши лозим.

Тарихий шаҳарлар ўз ривожланишлари жараёнида муайян шароитларга кўра бир-бирлариникидан фарқланадиган ўзига хосликларга эга бўладилар. Бундай шароитларнинг аксари асрлар давомида сақланиб қолади. Демак, улар доимий характерга эга. Шуларга кўра қайта қуришнинг тадқиқот жараёнида тарихий шаҳарларнинг асрлардан асрларга оша давом этиб келаётган ўзига хосликларини пайқаш, уларни чукур англаш жуда муҳимдир. Ўз навбатида бундай ўзига хосликларни қайта қуриш лойиҳаларида инобатга олиш мажбурийдир. Ўтмишда бизгача этиб келган ҳар қандай меъморий ва шаҳарсозлик қолдиқлари, уларнинг сифат даражасидан қатъий назар жамиятнинг ҳозирги ва келгусидаги ҳаёти учун сув ва ҳаво каби зарурдир. У катта информацион ва маънавий қийматга эга. Ёдгорлик ҳозирги кундан қанчалик узоқлашса, унинг информацион тарихий қиймати шунчалик ошиб боради.

Ўзбекистон меъморий-шаҳарсозлик ёдгорликларининг қиймати тарихий информация билан чекланмаган. Айни вақтда уларда юқори даражадаги бошқа бадиий, услугбий каби сифатлар ҳам мавжуд.

Қайта қуриш шаҳар тузилмаларининг барча қисмларига тааллуқлидир. Ўзгаришлар асосан шаҳар морфологиясининг муҳимроқ бўлган қисми, яъни

унинг ўзагига қаратилган бўлиши лозим. Улар кўча, ариқ кабилар характерига эга бўлади. Шаҳар тўқмаси ҳам юзавий характердадир ва у ҳажман шаҳар муҳитида каттароқ жойни эгалласада, эътиборан ўзакдан кейинги ўринда туради.

Тарихий шаҳарлар кўп ҳолларда паст-баландликда вужудга келган ва ривожланган бўлади. Ўзакни такомиллаштириш мақсадида рельеф албатта инобатга олиниши зарур. Бу ўз навбатида тарихий ҳудудларни таъмирлаш ишларини тақозо этади. Аксари, тор ва йўналиш бўйича эгри кўчаларни кенгайтириш, йўналишини тўғри чизикқа яқинлаштириш зарурати туғилади.

Тарихий топографияда шаҳарларнинг деворлари ҳамда дарвоза ва қопқалари ўз изини қолдиради. Бу ўзига хос тарих муҳридир. Шаҳарнинг айлана қўргон девори ўрнида деярлик ҳамиша ҳалқа йўл – кўча вужудга келади. Дарвоза ўрни эса аксари кўчалар тугуни билан белгиланади.

Ариқлар – ирригация тармоғидан Ўзбекистонда ичимлик суви ва довдараҳтларни, экинларни сугориш мақсадида фойдаланилган. Улар Ўрта Осиё шаҳарларида бекиёс аҳамиятга эга. Ариқлар тарихий шаҳарларга алоҳида кўрку-файз бахш этиб туради. Ҳозирги экологик шароитларда шаҳарларда ариқлардан ичимлик суви манбаи сифатида фойдаланиб бўлмайди. Улар ўрнини сувётказгич тармоғи эгаллаган. Бугунги қунда ҳар хонадонга кирган майда ариқларни аниқлаш зарурати йўқ. Йирик ариқлар тарихан шаклланган тизим сифатида сақланиб қолиши лозим. Тарихий ҳовузлар сақланиши ёки қайта тикланиши мақсаддага мувофиқдир.

Тарихий марказларни қайта қуриш ишлари уларнинг миқёслари, ўз мавқеларини сақлаб келганлик даражалари, тарихий жойлашувлари ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатларини инобатга олган ҳолда бажарилади.

Тарихий умумشاҳар марказларини қайта қуриш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон шаҳарларининг аксариятида эски ва янги шаҳарлар марказлари вужудга келганлигини инобатга олиб қайта қуриш ишлари олиб борилади. Одатда, эски шаҳар марказида савдо-сотик, ғоявий-мафкуравий функциялар устувор бўлганлиги туфайли, ҳозирги вақтгача ўз

мавқеларини сақлаб қолган баланд иморатлар алоҳида эътиборга молик. Янги шаҳар қисмларида кўпроқ маъмурий функция етакчилик қилгани, ҳозирги кунда эса уларнинг ўз аҳамиятини бирмунча йўқотганлиги, режавий-тарҳий жиҳатдан шаҳар тизимида йирик ва мунтазам қўчалар йўналишларида ўз ифодасини топганлиги қайта қуриш ишларига таъсир кўрсатади.

Эски шаҳарларнинг марказлари юқорида қайд этилганидек ўз мавқеини аксари сақлаб қолганлар. Бундай марказлар Чорсу бозори сифатида танилган ва улар кўплаб маҳаллий ва чет эллик сайёҳларни жалб этади. Масалан, Тошкентдаги Эскижўва бозори, Самарқанддаги Сиёб бозори шундай бозорлардандир. Уларда чакана савдо кенг миқёсда амалга оширилиши, ҳунармандлик маҳсулотларига кенг ўрин берилиши, қайта қуриш ишларининг асосий омилларидан ҳисобланади. Бундай бозорлар меъморлигидаги кичик ҳажмдаги дўконлар салмоғи катта бўлади.

Тарихий майдон – Регистонларни қайта қуриш ишларида уларга тегишли бўлган биноларнинг сақланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Уч мадрасадан ташкил топган ва ҳажмий-фазовий жиҳатидан яққол ифода этилган Самарқанд Регистони жаҳонга довруғ таратди. Бухоро шаҳрида Арк билан Болоҳовуз оралиғида бўлган Регистон ҳозирги вақтда меъморий-шаҳарсозлик жиҳатидан ифода этилмаган ва Самарқанд Регистоничалик таассурот қолдирмайди.

Баъзи шаҳарларнинг, масалан Тошкент Регистонини у ёки бу даражада қайта қуриш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шаҳарларнинг тарихий бўлинмалари, яъни даҳа ва маҳаллалар марказларини қайта қуриш ишлари мавжуд ҳолатга мос равишда, бир-бирларидан фарқ қилинадиган йўсинларда амалга оширилади. Даҳаларнинг марказлари йирик бинолардан ташкил топган. Уларни қайта қуриш ишлари меъморий комплекс ва ансамблларга оид тамойиллар асосида олиб борилади.

Тошкентдаги Ҳазрати Имом ва Зангиота меъморий мажмуалари дастлаб Себзор ва Бешёғоч даҳаларининг марказлари вазифасини ўташган ва у ерда мустақиллик йилларида катта ҳажмда қайта қуриш ишлари олиб борилган.

Маҳаллаларнинг марказлари – қадимги гузарлар яхлит мажмуя сифатида деярли сақланмаган. Айни вақтда гузарларнинг кўпчилиги замонавий бино ва иншоотлардан иборат. Айрим ҳолларда бундай янги гузарлар таркибиға халқ меъморлиги тамойиллари бўйича барпо этилган бинолар киритилган.

Тарихий шаҳарлардаги ҳозирги маҳаллалар аксари қадимги бир неча маҳаллалардан ташкил топган. Қадимги, яъни XIX аср охири - XX аср бошига оид маҳаллалар ўз эволюцияси жараёнида замон тақозосига асосан бошқарув-маъмурий функция талабларига кўра йириклишув жараёнини ўз бошидан ўтказган. Йириклишув кўпроқ асосий маҳалланинг қўшни маҳаллаларни ўзига сингдириш асосида амалга ошган. Бу ҳол мавжуд йириклишган тарихий маҳаллаларнинг қайта қурилишида ҳисобга олиниши лозим. Ҳозирги йирик тарихий маҳаллалар фақат унга хос бўлган ривожланиш тамойилини мумкин қадар ўзида кўрсата билиши, бошқача қилиб айтганда олдинги барча кичик маҳаллаларни акс эттира олиши керак.

Ҳозирги тарихий маҳаллалар ҳудудида тураг уйлардан ташқари қўплаб жамоат бинолари жойлашган бўлиб, улар аксари замонавий меъморликка мансубдир. Бундай бинолар орасида ўтган асрнинг 50-60 йилларида барпо бўлганлари ҳам мавжуд. Маҳаллалар меъморлигини белгилашда, айниқса сўнгги даврга, мустақиллик йилларига мансуб иморатлар салмоқли ўринни эгаллайди.

Тарихий маҳаллалардаги замонавий тураг уйларни қайта қуриш ишлари уларнинг турларига қараб олиб борилади. Ўтган асрда давлат томонидан барпо этилган тураг уйлар ўзларининг баъзи ноёб функционал, конструктив ва бадиий-эстетик жиҳатлари билан қайта қурилишга муҳтождир. Зикр этилган камчиликлар авваллари ҳам аҳоли томонидан маълум даражада бартараф этиб келинган: балконларнинг деразалар билан бекитилиши, ошхонани балконга чиқариш, ички тарҳий режаларни ўзгартириш каби ишлар. Қайта қуришни лойиҳалашда бу каби амалий ўзгаришлар назарда тутилиши лозим.

Қайта қуриш ишларида тарихий шаҳарлардаги якка тартибда қурилган уйлар ўзларининг тузилишларида турли даврларга мансуб бўлганлиги ҳам ҳисобга олинади. Қадимийроқ, меъморий-режавий сифатлар бўйича мукаммалроқ ҳамда мустаҳкамроқ қисмлари қийматлироқ ҳисобланади.

Мумкин қадар тураг уйларнинг энг қадимги қисмларини алоҳида сақлаб қолишга харакат қилиш лозим. Қадимийларга қараганда кейинги даврларда барпо бўлган қисмларини кўпроқ ўзгартириб, янги талабларга кўпроқ мослаштиурса мақсадга мувофиқ бўлади. “Евро” услубидаги тураг уйлар ва уларнинг қисмларини муайян ҳолатларга қараб сақлаш-сақламаслик масаласи ҳал этилади. “Евро” услубини бутунлай инкор этиш мақсадга мувофиқ эмас. Тарихий маҳаллалардаги тураг уйларни қайта қуришда уларнинг асосий сифатлари: яшаш сатҳининг ерга яқинлиги (1-2 қаватлилиги), аҳолининг майший ҳаёти ҳовли, ҳовуз ва унинг атрофидаги хоналардан ташкил этилиши кабилар сақлаб қолишга лойиқ меъморий анъаналар сирасига киради. Тураг уйларнинг ерга яқинлик жиҳати камқаватли, “гиламсифат” қурилмаларни (“ковровая застройка”) қўллаш воситаси орқали рўёбга чиқади. Тошкентдаги Обиназир маҳалласида (Ц-27) профессор Г. Коробовцев томонидан лойиҳаланган 4 қаватли тураг уйда ҳар хонадон ўзига хос ҳовлига эгалиги муҳим меъморий тажрибалардан биридир.

Собиқ совет даврида тарихий хонадонларни бошқа функциядаги иморатлар: поликлиника, боғча, маъмурий бино сифатида фойдаланиш кенг тарқалган эди. Бу хонадонлар бойларники бўлиб, улар аксари катта ҳажмли ва бир қанча ҳовлиларга эга бўлган. Бошқа вазифада фойдаланилган бундай уйларда ҳажмий-режавий ўзгаришлар нисбатан кам бўлган. Ўзгаришлар кўпроқ ички хоналарнинг жиҳозига тегишли эди. Бойларнинг уйларини янги функцияга мослаштириш ишлари, лойиҳасиз амалга оширилган бўлсада, бундай тажрибани бутунлай инкор этиб ҳам бўлмайди.

Баъзи ҳолларда тарихий тураг уйларнинг энг муҳим ва безакдор бўлган қисмидан, яъни меҳмонхоналаридангина фойдаланилган. Масалан: Давлатёр

Оқсоқол турар уйининг меҳмонхонасидан қишлоқ кутубхонаси сифатида фойдаланилган (Янгийўл тумани XX асрнинг 70-йиллари). Бу ҳам қайта қуришнинг бир шакли ҳисобланади.

Ҳозирги замондаги якка тартибда янги уйлар қуриш амалиётида, жумладан “Евро” услугда қурилаётган турар уйларда хоналар баъзан қадимги анъаналар бўйича қурилган меҳмонхоналарга эгадир. Уларда вассажуфт, шарафа каби анъанавий унсурлар ишлатилади.

Қадимда кенг қўлланилиб келинган япалоқ ғиштлардан ҳам фойдаланилди. Интерьер хонтахта, кўрпача, болиш каби буюмлар билан жихозланади.

Қайта тикланиши зарур бўлган услуг ва унсурлар нафакат шаҳар турар уйларига, балки дала ҳовлиларга ҳам тегишлидир. Пахса ўймакорлиги, болосўри кабиларни ҳозирги замонда қўллаш ўринли бўлади. Хоразмдаги Чодра ҳовли каби иншоотлар лойиҳавий ишларда қўлланилса, халқ меъморлиги анъаналарининг ривожига салмоқли ҳисса қўшилган бўлур эди.

Меросга тегишли ибратли жиҳатлар жаҳон тажрибасида ҳам бор. Америкалик тадқиқотчи Кристофер Александр шаҳарсозлик тизимини, умуман меъморий муҳитни такомиллаштириш фақат мутахассислар томонидан, шаҳарсоз, меъморларнинг режалашлари, қурувчиларнинг сайъи-ҳаракатлари орқали амалга оширилмаслигини таъкидлайди. К.Александер анъанавий лойиҳалаш ва қурилиш тамойилига зид равища файзли шаҳар ва меъморлик муҳитини оддий инсонлар яратади деб билади.

Шаҳар ўзагини қайта қуришни лойиҳалаш. Тарихий шаҳарнинг қайта қуриш лойиҳасини тузишда эътибор аввало унинг ўзаги бўлмиш кўчалар тизимиға берилади. Янги транспорт тизимини шакллантиришда тарихий бош кўчалар (шаҳар марказлари – чорсуларни дарвозалар билан бирлаштирувчи йўллар)нинг аксари ўз мавқеларини йўқотадилар. Қайта қуриш амалиётида кўпинча қурилмалар ниҳоятда зич ва сергавжум бўлган шаҳарларнинг марказлари атрофида янги кенг ҳалқа кўча ҳосил этилади. Бундай кўчалар бир қанча қайта қуриш лойиҳаларида ўз тасдифини топган.

Ҳозирги даврдаги шаҳарларда улов (транспорт)нинг аҳамияти катта. У мураккаб тизим (инфраструктура)ни ташкил этади. Транспорт қатор қулайликлар яратиш билан биргалиқда чигал муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу муаммоларнинг айримлари қайта қуриш жараёнида ҳал этилади. Транспорт инфратузилмасини қайта қуриш заруриятини бирқанча сабаблар юзага келтиради. Жумладан қуйидагиларни таъкидлаш жоиз: шаҳарларда улов ва пиёда ҳаракатлари тобора кўпайиб бориши боис шаклланиб бўлган кўчалар тармоғи ҳаракат ҳажмини катта ноқулайликлар билан амалга оширади. Кўча ва йўллар эса шахсий, жамоат ва юк транспорти ҳаракат турларига ҳамда оптимал тезликка мос келмай қолади. Улов ва пиёда ҳаракатланадиган кўча ва йўлларнинг кўпчилиги бир сатҳда кесишган бўлиши ҳавфли вазиятларга олиб келади.

Қайта қуришни амалга ошириш натижасида шаҳарнинг асосий қисмлари ўртасида боғлиқлик оптималлашади ва бу қисмларнинг ривожланиши учун имконият яратилади. Бундан ташқари, қайта қуриш шаҳардаги ҳаракат ҳажмини рационал тарзда тақсимланишини, ҳаракат тезлигининг қулай тарзда амалга оширилишини, шаҳар коммуникацияси билан шаҳар қисмларининг узвий равишда ривожланиши учун асос яратилишини таъминлаши зарур.


Шаҳардаги юмуш (функционал унсур)лар билан улов (транспорт) ўзаро чамбарчас боғлиқлиқдадир. Сосновский В. бўйича ҳаракатларнинг амалга оширилиш характеристига ва аҳамиятига қараб, бундай боғлиқликларнинг икки грухини фарқлаш мумкин. Биринчи грухдаги боғлиқликларда ҳаракат интенсив равишда ўтади, тирбандликка олиб келиши ҳам мумкин. Йирик ишлаб чиқариш, муҳим хизмат кўрсатиш марказларида бундай боғлиқликлар мавжуд. Иккинчи грухдаги боғлиқликларда ҳаракат нисбатан осойишталик билан ўтади, маълум даражада у ички изоляцияни (мактаблар, боғчалар ва шунга ўхшашлар учун) талаб этади. Бундай боғлиқликлар дам олиш зоналарида, мактабларда, боғчаларда ва шу кабиларда кузатилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, транспорт коммуникацияси ўзига функционал унсурларни кучли тарзда тортади. Бошқача қилиб айтганда,

коммуникацияга туташ бўлган ҳудудлар тез ўзлаштирилади. Бу ҳол коммуникацияни қайта қуриш самарадорлигини кўрсатади.


Қайта қуриш жараёнида кўча ва йўллар тармоғи унда ҳаракатда бўлган улов ҳамда пиёда оқимлари ҳажмига ва таркибига мос бўлиши зарур. В.Сосновскийнинг баён қилишича, бунга тармоқни умумлаштириш (магистраллаштирув) ва хослаштириш (ихтисослаштирув) орқали эришиш мумкин.

Улов ва пиёда тармоқларини қайта қуриш мумкин қадар тарихан шаклланган тармоқни ривожлантириш билан бир қаторда, зарур ҳолларда уни янгича тузишни ҳам тақозо этиши мумкин.




Ярославл шаҳри марказини қайта қуриш лойиҳаси.
XVII аср охири. Лойиҳада ёдгорликларнинг
композицион мавқелари сақлаб қолинган

Леонардо да Винчи




Фойвий шаҳар, ҳаракатлар турли сатҳларда ташкил этилган




Флоренцияш., қайта қуришғояси

Леонардо да Винчи Флоренция шаҳарини қайта қуриш мусаввада лойиҳасида Арно дарёси ўзанини түғирлашни назарда тутган. Олимнинг шаҳар транспортини бир нечта баландликларда – ярусларда ташкил этишғояси ҳам мавжуд







Үзак (каркас) күчалар типологияси: 1—марказий (ядровий); 2—чизиқли; 3—юлдузсимон; 4—чизиқли бир томонлама; 5—қисқа нурлы юлдузсимон; 6—чизиқли-тармоқли; 7—тармоқли-халқали; 8—юлдузсимон-чизиқли; 9—еллигесимон; 10—бosh нури ажралған юлдузсимон; 11—шохли-йұналтирилған; 12—юлдузсимон -шохли; 13—икки марказли (иккі ядроли); 14—күпмарказли; 15—халқасимон; 16—түгунсимон; 17—кешишган; 18—түрги түртбұрчак шаклли



Тошкент шаҳри, Ички ҳалқа йўли



Вена шаҳри, Ринг-штрассе ҳалқа йўли, Ван-дер-Нюл ва Сикардсбург лойиҳаси: 1-20 – марказий қисм атрофида меъморий жиҳатдан фарқланган, турли стилларда қурилган мажмуалар ташкил қилган асосий бинолар



Париж ш., XVII-XIX асрлар. Қайта режаланган магистрал йўллар модели, Э.Энар бўйича: 1-2 - “Фарб-Шарқ” диаметри, 3-4 - “Шимол-Жануб” диаметри, 5-8 Юлдуз, Ҳамжихатлик, Миллат ҳамда Бастилия майдонлари

2. ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАР ҚУРИЛИШИДА УЙҒУНЛИК ВА МАЖМУАСОЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Шаҳарсозлик ғояларининг эркинлиги архитекторларга янги шаҳарлар қурилишининг эшикларини очиб берди (масалан, Марв), лекин бундай шаҳарлар кам эди. Тарихий тарзда шаклланган ва тифиз жойлашган шаҳарларда мавжуд бўлган биноларни ҳисобга олиш зарурияти туғилди. Фақат қатъий ягона ҳокимият шароитларида гина бутун даҳаларни бузиш имконияти бор эди ва уларнинг ўрнига янги бинолар қурилиши мумкин эди.

“Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг бошқа ҳудудлардаги қадимиий шаҳарлардан ажратиб турадиган жиҳатларидан бири шундан иборатки, бу ердаги меъморий обидаларнинг аксарият қисми уйғунлашган иморатлар гурухи – меъморий ансамбллар шаклида бунёд этилганлигидадир” – деб ёзади профессор М.К.Ахмедов.

Самарқанд ва Ҳиротдаги бош савдо магистрални иншоотларининг пухта ўйланган режавий ва фазовий-ҳажмий ғоялари меъмор-усталарга уларни таъмирлаш имкониятини берарди. Шаҳарнинг энг баланд нуқталари – унинг қалъа деворларининг устидан, миноралардан улар худди гумбазларнинг узлуксиз занжири сифатида кўринади. Магистраллар ва майдонларни барпо этишда қурувчиларга мавжуд бўлган иншоотларни ҳисобга олишга тўғри келган. Шундай ҳолат, масалан, XV асрда Ҳирот хиёбони атрофида жойлашган биноларни қуришда кузатилган, бу хиёбон ёнида қабристон бўлган. Қадимиий қабристонларнинг муқаддаслиги мусулмонлар назнида вақт ўтиши билан янада ўсиб борган ва шунинг учун ҳам улар жуда яхши сақланиб қолинган, шу билан бир вақтда уларнинг яқинида янгидан-янги иншоотлар барпо этилган. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Самарқанддаги Шоҳи зинда мажмуасини мисол тариқасида келтириш мумкин, бу мажмуа қурилишининг бошланиши XI асрга бориб тақалади, мажмуа XIV-XV асрлар оралиғида мутлоқ ўзгаришларни бошидан кечирган бўлсада, бироқ унинг асосий ўзига хос жиҳатлари бугунги кунгача етиб келган.

Профессор М.Қ.Аҳмедов Ўрта Осиё архитектурашунослик фанида ансамбллар назариясини кенг ва атрофлича ўрганган, тадқиқ қилган олим саналади. Ансамбл – бу ўзаро уйғунлашган композициядир. “*Ансамбл тузилмаларининг шаклланиши шартларидан бири шулки, икки ёки бир неча бино учун маълум кўча, майдон, ҳовли ва ландшафт ёки уларнинг бирор қисми умумий композиция ташкил этишининг асоси бўлиб хизмат қиласиди. Ансамблни ташкил этувчи иншиотлар авваламбор ўша асосга мослаштириласиди. Бунда мана шу иморатларнинг кириши қисмлари композиция ўқлари, массаси, шакли, тузи ва бошқа бадиий жиҳатлари шу асосда ўзаро мувофиқлаштириласиди. Ансамбл бадиий баркамоллигининг нақадар юксак дараҷасага эришганлиги ёки эришмаганлиги ушбу мувофиқлаштиришининг уйғунлашув дараҷасига боғлиқ бўлади*” – деб ёзади олим.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларидағи меъморларнинг санъати шундаки, улар янги биноларни тиклашда уларнинг мавжуд бўлган бинолар билан ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олишган, уларни оқилона равишда мувозанатлаштирганлар. Шунинг учун бадиий услубнинг гўзаллик бўйича такрорланмас архитектуравий мажмуи вужудга келган, унда архитектуравий шакллар ва декорларнинг турли-туманлигига бус-бутунлиликнинг архитектуравий гармониясига эришилган. Монументал мажмуаларни яратишда XIV – XV аср меъморлари ягона ўқда ётувчи иккита бинони бир-бирига қаратиб куришдек энг содда усулни иштиёқ билан қўллашган: бу икки бино баланд пештоқларга эга бўлган бўлиб, уларнинг биринчиси мавжуд бўлиб, иккинчиси гўёки биринчисининг кўзгудаги аксидек намоён бўлади, лекин улар композицияси билан бир-биридан фарқ қиласиди ва шу билан бир қаторда ўзаро мувозанатлашган. Бундай уйғунлик “*кўши*” деб аталади. М.Қ.Аҳмедов ушбу усулдаги ансамблнинг “...илк намунаси Амир Темур даврида Самарқандда Амир Темур жомеси ва Бибихоним мадрасаларининг ўзаро жойлашувида намоён бўлган” деб ёзади. “*Улуғбек даврида эса Самарқанд Регистонида қурилган ва унинг номи билан номланган мадраса ва хонақоҳ, Фиждуондаги Хўжса Абдул Холиқ ҳазираси ва унинг*

қаршиисида қурилган мадрасадан иборат туркумлар ҳам мазкур усулда қурилган” - дейди профессор А.Ўролов. Бухордаги Улуғбек ҳамда Абдулазизхон мадрасалари ҳам “қўш” усулининг ёрқин намуналариданdir. Улар катта бўлмаган майдон ёки кўча орқали бир-биридан ажратилади. Маълум маънода буни мадрасаларнинг икки айвонли ҳовлиларнинг ривожланиши деб қараш мумкин, лекин бу ерда фазовий-ҳажмий кенглик элементининг роли ўсиб боради, чунки бу кенглик нафақат айвонлар орасидаги катта оралиқ билан аниқланади, балки унга кириб келувчи кўчаларнинг бирикиши ва боғланиши билан ҳам характерланади. “Қўш”нинг ёпиқ композицияси вариантларидан бири бу иккита бинони ҳовли билан бириктиришдир: бунга мисол тариқасида Самарқанддаги Муҳаммад Султон мадрасаси мажмуи ва хонақосини, шунингдек Шоҳи зинда силсиласининг энг тўрдаги ёдгорликларини келтириш мумкин. Бу услубнинг яна бир тури - икки бир-бирига қаратиб қурилган бинонинг ён томонларига бир мунча чекиниш билан иккита йирик пештоқли биноларни қуриш орқали амалга оширилган (Хиротдаги Гавҳаршод мадрасаси ва Мусалло гуруҳи).

Темурийлар даври учун магистрал - ўқли композицияга эга бўлган мажмуалар характерли бўлиб, улар умумий ҳаракатни йўналтирувчи кўчаларнинг икки томони бўйлаб жойлаштирилган. Ҳирот, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарлардаги бош бозор магистралларининг қурилиши тоқ-гумбазли системаларнинг ўзаро боғланишини аниқлаб берган. Тоқ- гумбазли системалар ички кенгликнинг бўйлама ўқи бўйлаб барпо этилган. Бу композиция Шоҳи зинда ёдгорлигида бошқачароқ тарзда амалга оширилган, яъни йўлаклар бўйида мақбаралар, ибодат масжидлари, чортоклар қурилган.

Бундай режавий ҳажмий-фазовий схемалардан кўнгли тўлмаган XV аср меъморлари қўплаб биноларнинг янада мураккаб бўлган уйғунлашувини яратишиди. Бу даврнинг иккита энг мукаммал архитектуравий мажмуалари бутун шарқда тенгсиз бўлган: улардан бири Мирзо Улуғбек томонидан Самарқанд Регистонида, иккинчиси эса Алишер Навоий раҳномолигида Ҳирот

шахрининг шимолий томонидаги Инжил канали бўйида барпо этилган. Самарқанддаги Регистон майдони ҳақида кейинроқ алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Темурийлар даврида фан ва маданиятнинг тарақкий топиши меъморчилиқда ҳам ўз ифодасини топган. Бинобарин, ўша давр иморатларининг пишиқ композициявий ечими, кошинкорлигию ва умуман нақшу нигорлари, меъморий безаклари ҳамда шакл тузилишида яхлит ҳандасавий боғланиш туфайли эришилган уйғунлик бунга мисол бўлади. Аммо Мирзо Улуғбек даври меъморчилигини илмий таҳлил этиш жараёнида биз айнан мана шу давр учун зарурий меъморий усул сифатида бир неча марта тақорорланган омил - бир неча иморатни ўзаро уйғунлаштириб яхлит ансамбл тарзида бунёд этишга интилингандигини қўрамиз. Жумладан, Фиждувондаги Улуғбек мадрасаси, Хўжа Абдулҳолиқ Фиждувоний хазираси муқобилига “қўш” усулида қурилган бўлса, Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди ҳам шайх Шамсиддин Кулол мақбараси билан айнан шу йўсинда боғланган.

Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи тадқиқотчиларининг айтарлик барчаси Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг муқобилида, ҳозирги Шердор мадрасаси ўрнида Мирзо Улуғбек қурдирган хонакоҳ бўлган деб ҳисоблашади. Бунинг билан бу икки иншоот ҳам “қўш” усулида қурилган деган хулоса қилинади. “*Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд ва Фиждувондаги мадрасалари, Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди муқобилидаги иморатлар билан “қўши” усулида қурилганлигини назарда тутиб, Бухородаги мадрасаси ҳам даставвал шу йўсинда бўлмаганмикин*” - деган фикрни профессор М.Қ.Аҳмедов илгари суради. Унда, ҳозир бу мадраса рўпарасида жойлашган Абдулазизхон мадрасаси (1652 й.) ўрнида Мирзо Улуғбек замонида бошқа иншоот жойлашган бўлши мумкин экан.

М.Қ.Аҳмедов Марказий Осий тарихий шаҳарлари масканларини ўрганиб “*лойиҳалашда уйғунликни ҳисобга олиш нафақат алоҳида иморатлар, балки бутун бир меъморий ансамбл, комплекс ва ҳатто шаҳарларни лойиҳалаш ва қуришида ҳам қўлланилган*” деган хуносага келади. Шунингдек, олим бош тарзлари билан бир-бирининг муқобилида бир ўқда жойлашган “қўш” ва

“майдон” композициясида шаклланган ансамбларда визуал кўриш бурчагининг аҳамияти катталигини ва ушбу усувларда шаклланган ансамбларда бинолар баландлиги улар ўртасидаги масофадан катта эмаслигини аниқлаган. *“Агар ансамбл таркибидаги бинолар пештоқининг панжараси ортидан ёки панжараси бўлмаса пештоқ равоқининг марказидан туриб ташқарига қарасак кўриши майдонининг ён томон йўналишилари биз турган бино равоқи ёнларига тегиб ўтиб, қаршиимизда турган бино энини тўлигича қамраб олади. Бу ҳолат “қўши” ва “майдон” композициясидаги барча ансамбларда кузатилган. Масалан, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг панжараси ортидан ташқарига қарасак Шердор мадрасасининг тарзини қамраб оламиз. Демак, Улуғбек ва Шердор мадрасасининг орасидаги масофа айнан шундай услубда аниқлаб топилган бўлиши мумкин”,* дейди М.Қ.Аҳмедов. У меъморий ансамбларни шакллантиришда ҳандасавий усувларнинг ҳам аҳамияти катта эканлигини таъкидлаган.


Мирзо Улуғбекнинг бунёдкорлик фаолияти икки йўналишдан иборатdir. Биринчиси, бу масжид, мадраса, карвонсарой, ҳамом, мақбаралар каби янги иморатлар қурилиши бўлса, иккинчиси битмай қолган иморатлар мажмуасини якунланган шаклига келтиришдан иборатdir. Гўри Амир мажмуасига тўхталадиган бўлсак, маълумки у ерда XV аср бошларида Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонакоҳи бўлган. Сўнг, Амир Темур суюкли набираси шарафига мақbara қурилишини бошлаб юборган. Мана шу охирги иморат тугалланмай қолганлиги туфайли мажмуа композицияси поёнига етмай қолган. Мирзо Улуғбек 1424 йилда мақбаранинг кунчиқар томонидаги девори томонидаги зиёратхона тарзидаги йўлакни солдириб мадраса, мақbara ва хонакоҳ ўраб турган мурабба майдоннинг олд тарафига гўзал пештоқ бунёд эттириди. Ҳовли бурчакларида тўртта икки ошёнлик миноралар тиклаб уч иншоотни яхлит меъморий ансамбл ҳолига келтириди.

Мирзо Улуғбекнинг бобоси Амир Темур даврида бошланиб тугалланмай қолган ишни поёнига етказишдан иборат бўлган иккинчи иши ҳам меъморий ансамбл яратишдан иборат.


Амир Темур даврида Самарқанд ҳисори кўплаб тарихий ёдгорликлар қурилиши боис анча бойиди. Афсонавий Амир Темур жоме масжиди ва унинг қаршисидаги Бибихоним мадрасаси, шаҳзода Муҳаммад Султон мадраса ва хонақоҳи, унинг ёнидаги Гўри Амир мақбараси, мазкур обида билан бир ўқда қурилган Рухобод мақбараси, қалъа ён бағрида бунёд этилган Нуриддин Басир мақбараси шулар жумласидандир. Лекин барибир Самарқандга асосий меъморий – ташкилий марказ етишмасди. Ва бу масалани Мирзо Улуғбек ҳал этди. У ҳукмронлигининг илк йилларидаёқ Регистон майдонини ободонлаштиришга киришди, бутун ва ягона меъморий фикрни шу ерда мужассам этди. Регистон, яъни қумли жой деган ном бу ерда X асрдаёқ 5 метргача бўлган чуқурликда йиғилиб кетган маданий қатламлар туфайли кўп микдорда қум тўпланган. Аммо XI – XII асрлардаёқ мазкур ҳудудни ҳунармандлар ўзлаштира бошлишган. Чунки археологик қидиувлар чоғида уларнинг устахоналари қолдиқлари кашф этилган. Амир Темур даврига қадар шаҳар дарвозаларидан келган олти асосий йўлларнинг ўзаро кесишувида жойлашган бу ҳудуд меъморий жиҳатдан тартибга келтирилмаганди. Мазкур ҳудуднинг жанубий томонида шаҳар аҳли учун мўлжалланган жоме масжиди деярли вайрон бўлган эди, аммо Амир Темур даврида тезкорлик билан жоме масжиди қурила бошланганди. Шунингдек Регистон яқинида Туман оқо томонидан гумбазли савдо мажмуаси – тим қурилиб вақфга, яъни диндорлар мулкига берилган эди. Мирзо Улуғбек меъморларга Самарқанд марказида периметри бўйлаб улуғвор иншоотлар билан ўралган тўртбурчак шаклидаги майдонни яратиш масаласини қўйди.

Ҳисорнинг геометрик марказида унинг жамоат маркази ҳисобланмиш Регистон майдони вужудга келган. Бу майдон шаҳарнинг асосий йўллари кесишувига яқин жойда жойлашган.

Архитектура йўналиши




Самарқанд. Регистон ансамбли




АМАЛГА ОШМАГАН ҚАЙТА ҚУРИШ ЛОЙИХАЛАРИ

А.Сильченков.
Тошкент шаҳри
лойиҳаси, 1929-1933 йй.



ПАРИЖ-ТОШКЕНТ.
Тошкентни қайта
режалаш дастлабки
лойиҳаси

Ле Корбюзье.
Париж шаҳри учун 3 млн
кишига мулжалланган
лойиҳа, 1922 й.



Бухоро шаҳри тарихий қисмининг ЮНЕСКО
томонидан бажарилган таҳлили

Назорат саволлари:

1. Шаҳарсозлик тарихида амалга оширилган қандай қайта қуриш лойиҳаларини биласиз?
2. Темурийлар даврида Самарқанд шаҳрининг режавий ечими қандай уйғунликларга эга бўлган эди.
3. Тарихий ҳудудларда илмий тадқиқот ишлари қандай амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аскаров Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во “San’at”, 2009.
2. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Тошкент-2017.
3. Аҳмедов М. Меъморий мерос. Т.: 2011.
4. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. Монография. Тошкент-2019.

4-мавзу: ТАРИХИЙ МАҲАЛЛАЛАР ВА ТУРАР ЖОЙЛАР

ТАДҚИҚОТИ

Режа:

1. Маҳаллалар ва уларнинг турлари.
2. Турар жойларнинг шаклланиши.

Таянч иборалар: муҳандислик инфраструктура тармоқлари, аҳоли ўртасида сўров ўтказиши, тарихий турагар уйлар, тарихий турагар уйларнинг қийматлари.

1. МАҲАЛЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Марказларни қайта қуриш улар қадимда қай даражадаги шаҳарсозлик бирликларига хизмат қилганлиги билан белгиланади. Марказларни қайта қуриш лойиҳалари сирасига юқорида баён этилган тадқиқотга монанд

равищда уч туркумдаги лойиҳаларни таснифлаш жоиздир. Булар: умумشاҳар, йирик шаҳарсозлик бўлинма – даҳа ва кичик шаҳарсозлик бўлинма – маҳалла марказларининг қайта қуриш лойиҳаларидир. Лойиҳаларнинг бундай таснифи жуда схематикдир. Кўп ҳолларда умумшаҳар марказини қайта қуриш лойиҳаси даҳа маркази қисмларини ҳам ўз ичига олади ва аксинча – даҳа марказини қайта қуриш лойиҳаси умумшаҳар маркази қисмини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Умумшаҳар марказларини қайта қуришни лойиҳалаш. Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда деярли ҳар қандай тарихий шаҳар бош маркази ҳозирги вақтда ҳам ўз маҳенини сақлаб қолган.

Икки тузилмали (эски ва янги қисмлардан иборат) шаҳарлар ҳам бундан мустасно эмас. Лойиҳа тузишда эски шаҳарларнинг марказларида янгилариникига нисбатан сергавжумроқ бўлиши, савдо-сотик, ҳунармандчилик функциялари кенгрок ўрин эгаллаши, янги шаҳарларнинг марказларида эса эскилариникига нисбатан расмий – маъмурий функциялари жо бўлганлига катта таъсир кўрсатади.

Эски Тошкентнинг XIX аср охири – XX аср боши меъморий-режавий структурасида марказлар классификацияси [Пулатов Х. ...] куйидаги жадвалда келтирилган:

МАРКАЗЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ						
№	Шаҳарсозлик тугунлари	Асосий функция-лари	Жойлашуви	Тарихий жойлашувнинг турғунлиги	Турлари	Хизмат кўрсатиш ҳудуди
1	2	3	4	5	6	7
1	Чорсу – асосий бозор	Савдо-сотик, ҳунармандчилик билан машғул бўлиш ва ишлаб чиқариш	Шаҳарнинг геометрик марказида	Доимий	Савдо-ҳунармандчилик марказлари	
2	Махсус бозорлар:	Савдо	Шаҳар қўрғондеги	Доимий эмас		

Архитектура йўналиши

	сут бозори, ёғоч бозори, қовун бозори, мол бозори ва бошқалар		вони ҳудудида			Шаҳар
3	Чорсу архитектура мажмуаси	Жамоат- мафкуравий ҳаёт	Шаҳар- нинг геометрик марказида	Доимий	Махсус жамоат марказлар и	
4	Регистон майдони	Жамоат- сиёсий жараён	Шаҳар- нинг геометрик марказида	Доимий		
5	Қўрғон- резиденция- йўрда	Маъмурӣ бошқарув	Шаҳар қўрғонде- вори ёнида	Қисман доимий эмас	Маъмурӣ марказ	Шаҳар
6	Савдо йўллари	Савдо-сотик, ҳунарманд- чилик, маиший хизмат	Шаҳар қўрғонде- вори ҳудудида	Нисбатан асосий кўчалар бўйлаб доимий	Жамоат- савдо марказлар и	Йирик шаҳарсоз- лик тизими – даҳалар
7	Мажмуалар ва комплекслар: Занги-ота	Жамоат- маданий функцияга эришиш	Шаҳар ташқари- сида	Нисбатан доимий	Шаҳар ташқариси маркази	
8	Ҳазрати Имом, Шайх Ҳовандо Тоҳур, Зайнiddин бува, Абул Қосим шайх	Жамоат- маданий функция	Шаҳар- нинг ичкари қисмида	Доимий	Жамоат- маданий марказлар	
9	Гузарлар	Маиший, мафкура- вий, савдо	Хизмат кўрсатиш тизимида кўпроқ геометрик марказга интилувчан	Нисбатан доимий	Кенг қамровли марказлар	Кичик шаҳарсоз- лик тизимлари- маҳалла- лар, маҳалла- мавзелар, шаҳар ташқари- сидаги қишлоқлар

Даҳа марказларини қайта қуришни лойиҳалаш. Тарихий йирик шаҳарсозлик бўлинма (даҳа)лари марказларини лойиҳалаш меъморий-шаҳарсозлик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Юқорида қайд этилганидек, даҳа марказлари кўпроқ диний-мафкуравий характерга эга бўлади ва аксарият даҳада машҳур бўлган шахс мақбараси теварагида вужудга келган мажмуани қайта қуриш, уни ободонлаштириш, замонавий зиёратчиларнинг эҳтиёжларига мос мухандислик тармоқлари билан таъминлаш каби ишлар лойиҳалаш жараёнларида ўз аксини топади.

Маҳалла марказларини қайта қуриш. Ҳозирги вақтда тарихий шаҳар ҳудудидаги замонавий маҳалла ўзининг янги чегаралари ичида бир қанча (икки-уч ва ундан ҳам кўпроқ) тарихий маҳаллаларни қамраб олиши бундай марказларнинг қайта тикланиш масаласига алоҳида ёндашувни тақозо этади. Бунда гап фақат қадимги маҳаллаларнинг марказларини қайта қуриш эмас, балки кўпроқ замонавий маҳалланинг янги марказини – гузарини барпо этиш тўғрисида бориши лозим. Кўп ҳолларда янги марказ – гузар бирор тарихий маҳалла маркази ўзагида ташкил этилади. Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасини қайта қуриш жараёнида нафакат қадимги Себзор даҳасининг маркази қайта тикланган, балки унда мажмуа билан боғлиқ ҳолда замонавий “Истиқлол” маҳалла маркази – гузарини ташкил этиш масаласи ҳам ечишган. Пойтахтнинг Уйғур қўчасидаги Исломобод маҳалласининг гузари бошқача тарзда ташкил этилган.

Тадқиқотчи К.Александер ижтимоий марказлар (generic centers)ни ташкил қилишда инсон қалбига қандай йўл топиш мумкин деган саволга: “тарихан чуқур илдиз отган, айни вақтда янги замоннинг юқори даражали талабларига мос улги (pattern) орқали” – деб жавоб беради. Унинг холосасига кўра, фақат чуқур тарихийликка асосланган ҳамда порлоқ келажакка йўналтирилган улги яхлитликни таъминлай олади [Alexander C. The nature of order; book two: ... page-саҳифа 353-354]. Бу улги бизнинг маҳаллаларимиз моҳиятига мос келади.

Тарихий маҳаллаларни қайта қуришни лойиҳалаш.

Қадимдан бизгача етиб келган турар жойларни қайта қуриш ишлари ниҳоятда масъулиятли ишлар қаторидан ўрин олган. Ўтмиш кишилар ҳаёт кечирган масканни томоша қилиш, идрок этиш ўша давр нафасини сезиш ҳам мароқли, ҳам катта руҳий қувватга моликдир.

К.Александер ва бошқаларнинг “A Pattern language” китоби (767-page-сахифа, 163-pattern-улги)да биз учун одатий бўлган ҳовлиларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади.


Турар жойларни қайта қуришнинг жаҳон тажрибасига назар солиш Ўзбекистон учун ҳам фойдадан ҳоли эмас. Умуман олганда тарихий турар жой ҳудудларини қайта қуриш муаммоларини бутун шаҳар қайта қуриш муаммолари билан биргаликда ҳал этиш самаралидир. Турар жойлар ҳудудларида қайта қуриш ишларини ўтказиш зарурияти – аввало вужудга келган турар уйларнинг ҳозирги замон талабларига мос келмаслигидан келиб чиқади. Қолаверса қайта қуриш жараёнида вужудга келадиган турар уйлар нафақат бугунги, балки эртанги кун талабларига ҳам жавоб бериши лозим.

В.Сосновский ўз китобида турар жойларни қайта қуриш жараёнида бундай жойлар шаҳарнинг марказига нисбатан қандай жойлашиши аҳамиятли эканлигини эътироф этган. Тадқиқотчи бу аснода шаҳарнинг уч: марказий, ўрта ва чекка қисмларидағи фарқланадиган тарихий жойларни ҳамда уларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ўзларига хос қайта қуриш услубиятларни кўрсатиб ўтган.

1. МАҲАЛЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Шаҳарлардаги майдада бўлинмаларнинг турларини шаҳар марказидан четга қараб тарқалиш йўналиши бўйича қўйидагича фарқлаш мумкин:

- маҳалла-бозор;
- маҳалла (оддий маҳалла);
- маҳалла-мавзе;
- мавзе (оддий мавзе);
- қишлоқлар.



2. ТУРАР ЖОЙЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Шаҳарнинг, жумладан тарихий шаҳарнинг ягона тизимлилиги унинг функционал ва бадиий-композицион жиҳатларида ҳам ўз ифодасини топади. Шу важдан шаҳар тўқмасини ўрганишда унинг ўзаги билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурати туғилади.

Шаҳарларда тўқма худудий жиҳатдан кўпроқ жойни эгаллайди. Бадиий тарафдан умуман олганда ўзак ургу вазифасини ўтаса, тўқма кўп ҳолларда (айниқса Ўрта Шарқда) фон вазифасини ўтайди.

Шаҳар тўқмасида турар уй-жойларнинг салмоғи улкандир. Турли минтақаларда ўзак билан тўқма ўртасидаги боғлиқлик даражаси турличадир.

Шаҳарларни ўрганишда уларнинг маъмурий-худудий бўлинниши катта аҳамиятга молик. Кўкон, Марғилон, Тошкент каби шаҳарларда йирик шаҳарсозлик бўлинма – “даҳа”лар сони аксари тўртта бўлган. Йирик бўлинмаларнинг сони ва номлари бошқача ҳам бўлиши мумкин. Бухорода йирик бўлинмалар сони 12 та бўлиб, улар “жариб” ёки “маҳалла” номлари билан аталган. Самарқандда йирик бўлинмалар сони бошқа кўпчилик шаҳарлардаги каби 4 та бўлиб, уларга нисбатан “қитъа” ибораси қўлланилиб келинган. Умумлашма ибора сифатида йирик бўлинмаларга архитектурашуносликда “даҳа” иборасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Майда шаҳарсозлик бўлинмалар аксари “маҳалла” номлари билан юритилади. Самарқандда ва Бухорода бундай бўлинмалар “гузар”, Хоразмда эса “масжидқавм” деган ном билан аталиб келинган. Баъзи тадқиқотларда “элот” иборасидан фойдаланилади. Бу ўринда шуни ҳам айтиш жоизки, “масjid қавм” билан “элот” иборалари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар ҳали етарли даражада ўрганилмаган [Рейимбаев Ш. ...].

Маҳаллаларнинг аҳамияти шаҳарликларнинг ҳаётида анча юқори бўлган. Буни биз тарихда баъзи уста, шоир каби ижод аҳлининг намоёндалари ўзларига нисба сифатида маҳалла номларини олганликларида кўрамиз. Масалан, “Тошкент масжидлари тарихи” китобида Муҳаммад Солих

Тошкандий маълумотларига асосланган ҳолда Лабзакий, Сақичмоний, Тинчбофий каби нисбали шахслар тўғрисида гап юритилади [Султонов Ў. ...].

Шаҳарлардаги майда бўлинмаларнинг турлари ичида шаҳар марказидан четга қараб тарқалиш йўналиши бўйича *маҳалла-бозор*, *маҳалла* (оддий маҳалла), *маҳалла-мавзе*, *мавзе* (оддий мавзе) ва қишлоқларни фарқлаш мумкин.

Турларига қараб майда бўлинмаларнинг эгаллаган майдонлари ўзгарган, улардаги хонадонларнинг миқдорлари ҳам турлича бўлган. Хонадонларнинг ҳажмий-фазовий тизими ҳам турли бўлган. Маҳалла-бозорларда хонадонлар кичик бўлган. Хонадонларга дўкон, карvonсарой каби иншоотлар бирикган. Ҳовлилари ҳам анча кичик бўлган. Маҳалла-бозорларда хонадонлар нафақат яшаш, балки бозор эҳтиёжларига кўра шаклланган бўлган.

Йирик ва майда бўлинмалардан ташқари, Марғilonда уларнинг оралиғида мустасно тариқасида ўртанча бўлинма – ўрам қайд этилади.

Даҳа ва маҳаллаларнинг чегаралари шаҳарларнинг рельефи, кўчалари ёки хонадонларнинг орқа деворлари бўйича ўтган.

Маҳалла турага уйлардан ва маҳалла аҳлига хизмат қилувчи марказдан ҳамда шаҳарнинг бошқа қисмлари билан бирлаштирувчи катта-кичик кўчалардан иборат бўлган. Бу аснода маҳаллаларнинг шаҳар қўргон деворидан ташқарида дала жойлари – мавзелари бўлганликларини эсда тутиш зарур. Маҳаллалар меъморлиги кўча ёки унинг қисмлари, ариқлар, хонадонлар ҳамда марказ - гузар иншоотларидан шаклланади. Маҳалла таркибига кирган хонадон ва жамоат биноларининг катта-кичиклигига, салобатига, қурилмалар зичлигига, ободонлаштириш унсурларининг аҳамиятига ва шу кабиларга боғлиқ ҳолда маҳаллалар меъморлиги турфа кўринишларга эга бўлган.

Маҳалла-мавзеларда маҳалла-бозорга қараганда акс тенденциялар кузатилади: хонадонлар каттароқ, ҳовлилари кенг, боғларга туташиб кетган. Хонадонлар дала ва боғлар кенглигига ажралиб турган.

Мавзеларда кўкаламзорлаштириш алоҳида мавқега эди.

Уларнинг таркибида хиёбон, қўриқхона каби боғчилик санъати намуналари ҳам бўлган. Қишлоқлар ўзига хос мустақил тузилмаларни ҳосил этган. Улар бир-бирларидан турлича (узоқ-яқин) масофаларда жойлашган.

Тарихий шаҳарлардаги хонадонларни қурилиш даврига қараб асосан икки турга ажратиш мумкин. Биринчи турига қадимги хонадонлар киради. Улар асосан XIX - XX асрнинг биринчи ярмида бунёд бўлган хонадонлардан иборат. Иккинчи турига XX асрнинг иккинчи ярмида индивидуал тартибда қурилган уйлар киради. Биринчи турдаги қадимги хонадонлар ёдгорлик сифатида алоҳида қийматга эга.

Қадимги хонадонларни ўз навбатида икки хилга ажратиш мумкин. Биринчи хилдаги уйлар XIX асрнинг боши ва ўрталарида қурилган бўлиб, улар ўзларининг тархи, ҳажми, қўлланилган қурилиш ашёси жиҳатларида анъанавийлик билан характерланади. Иккинчи хилдаги хонадонлар XIX аср охири - XX аср бошларида бунёд бўлган. Уларда Европа таъсири сезилади – соллоти (янги форматдаги) ғиштлар, тунука, ойна каби материаллар ишлатилган.

Қадимги маҳаллаларни қайта қуриш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотларда аҳолини янги замонавий талабларга жавоб берадиган хонадонлар, ижтимоий обьектлар ва марказлар билан таъминлаш эҳтиёжини аниқлаш зарур бўлади. Шу мақсадда аҳоли орасида анкеталаш ўтказилади.

Тарихий шаҳарлардаги хонадонларни қурилиш даврига қараб асосан **икки турга** ажратиш мумкин:

- **1-турига** қадимги хонадонлар киради. Улар асосан XIX - XX асрнинг биринчи ярмида бунёд бўлган хонадонлардан иборат. Бу турдаги хонадонлар ёдгорлик сифатида алоҳида қийматга эга;

- **2-турига** XX асрнинг иккинчи ярмида индивидуал тартибда қурилган уйлар киради.

Қадимги хонадонларни ўз навбатида икки хилга ажратиш мумкин:

- **1-хилдаги** уйлар XIX асрнинг боши ва ўрталарида қурилган бўлиб, улар ўзларининг тархи, ҳажми, қўлланилган қурилиш ашёси жиҳатларида анъанавийлик билан характерланади;

- **2-хилдаги** хонадонлар XIX аср охири - XX аср бошларида бунёд бўлган. Уларда Европа таъсири сезилади – соллоти (янги форматдаги) гиштлар, тунука, ойна каби материаллар ишлатилган

Ўрта Осиё анъанавий туарар уйларининг характерли жиҳатларидан бири – унинг ташқи дунёдан бутунлай ажратилганигидир.

Туарар уйлар ҳажмий-режавий ечими бўйича иккига бўлинган:

1. Ташқи – меҳмонлар учун мўлжал-ланган қисм (ташқи ҳовли);
2. Ички – инсон назари тушмайдиган жой (ички ҳовли).



Хива турар-ўйларида шимолга қаратилган баланд айвонларнинг шаклланиши



2/3

ПРОЕКТ РЕКОНСТРУКЦИИ УЛИЦЫ "ЗАРКАЙНАР"



Назорат саволлари:

1. Тарихий турар уйларнинг замонавий талабларга жавоб бериш даражалари қандай?
2. Тарихий уйларни қайта қуришда шаҳарнинг марказига нисбатан жойлашуви аҳамияти нимада?
3. Тарихий шаҳар марказидаги маҳаллалардаги турар уйларни қайта қуриш муаммоларини айтиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Orientalism and New York // Saudi Aramco World. September/October 2014, p.48.
2. Аскаров Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Т.: Изд-во “San’at”, 2012.
3. Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 2014. – 1096 с.: ил.
4. Аскаров Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во “San’at”, 2009.
5. Po’latov X. Shaharsozlik tarixi. O’quv qo’llanma. Т.: 2008.
6. Пўлатов X.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Тошкент-2017.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛИ

Амалий машғулотлар кейс-вазифа тариқасида ўтказилади.

Ишдан мақсад: Тингловчиларнинг “Ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш” фани бўйича педагогик маҳоратини ошириш.

1–амалий машғулот: Белгиланган ҳудуд ёки объектнинг ҳажмий-фазовий, тарҳий тузилишини таҳлил этиш

Тингловчига вазифа тариқасида берилган тарихий шаҳар бош тарҳида тарихан қизиқарли бўлган ҳудудларни белгилаш. Марказ, савдо иншоотлари, турар жойлар, кўчалар тизими ва бошқаларни қайта куриш лойиҳасини тузиш учун ажратиб олиш.

Вазифани бажариш амаллари:

1. Таянч чизмадаги ҳудудларни зоналарга ажратиб олиш.
2. Ҳудудни таҳлил қилиш.
3. Бинолар ва кўчалар чегараларини белгилаш.

Ажратилган ҳудуддаги зоналарнинг чегараларини, уларга кириш жойлари ва кўчаларни кўрсатиш. Тарихий шаҳардаги диққатга сазовор ҳудудларни ажратиб олиш.

Вазифани бажариш амаллари:

1. Зоналарда тарихий ва замонавий биноларни ажратиб олиш.
2. Масштабдан фойдаланиб бош тарҳда кўча, ҳовли, биноларнинг асосий параметрларини аниқлаб олиш.
3. Кўча, ҳовли, биноларнинг тарихий-меъморий қийматлари бўйича тўрт тоифага ажратиб олиш.

Шаҳар рельефини, паст-баландликларини ўрганиш. Бош тарҳда биноларни баландликлари бўйича ажратиб олиш ва уларни таҳлил қилиш.

Вазифани бажариш амаллари:

1. Шаҳар бўйлаб ёйма бажариш.

2. Қирқим бажариш.

Шартли равища тарихий шаҳарнинг бадиий-меъморий ҳамда тарихий қийматлари (юқори даражадаги қийматга эга, ўрта даражадаги қийматга эга ва қийматга эга эмас)га мос равища ҳудудда тўрттала категорияни ажратиш.

Вазифани бажариш амаллари:

1. Шаҳарда жойлашган биноларни асосий ва ёрдамчиларга ажратиб олиш.
2. Масштабдан фойдаланиб бош тарҳда кўча, бинолар ва диққатга сазовор жойларнинг асосий ютуқлари ва камчиликларини аниқлаб олиш.
3. Қайта тикланиши лозим бўлган ҳудудлар ва кўчаларни белгилаш.

2-амалий машғулот: Тарихий ҳудудни қайта қуриш ёки ёдгорликни таъмирлаш лойиҳа эскизи таклифини ишлаб чиқиши

Юқори, ўрта ва жузъий қийматларга эга бўлган ҳамда қийматга эга эмас категорияларидаги ҳудудларга нисбатан уларга мос равища лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқиши.

Вазифани бажариш амаллари:

1. Тарихий ҳудудни ҳозирги замон талабига мослаштириш учун лойиҳа таклифини ишлаб чиқиши.
2. Масштабдан фойдаланиб бош тарҳда лойиҳа ечимини асослаш.
3. Лойиҳа ечимини тарихий шаҳар тарҳи билан таққослаш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини асослаш.

Танланган лойиҳавий ечимларга асосланган ҳолда қайта қуриш лойиҳаси шарҳини қисқа ҳажмда тузиш. Аннотацияни имконият доирасида сўзбоши, асосий ва хулоса қисмларидан иборат ҳолда ёзиш тавсия этилади.

Тингловчи ҳудуднинг тадқиқотини ва лойиҳаласини презентация қилиши керак. Алоҳида эътибор лойиҳа ечимларининг асосланишига ургу берилиши лозим.

Вазифани бажариш амаллари:

1. Шаҳарнинг тарихий муҳитини ёритиши.

2. Қабул қилинган ечимлар ва уларнинг ижобий жиҳатларини ёзиш.
3. Эски ва янги бош тарҳни таққослаш.
4. Мавжуд иморатларнинг тарихий-меъморлик қийматларини асослаш.

Назорат саволлари:

1. Ҳудуднинг тарихий меъморий-шаҳарсозлик қийматлари нималардан иборат?
2. Ёдгорликларнинг асосий ўлчамлари қандай аниқланади?
3. Бош тарҳ чизмасидаги ўлчов ва лойиҳавий баландликларни қўйиш тартиби қандай?
4. Қайта қуриш лойиҳасида умумий кўриниш чизмаси қандай бажарилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муаллифлар жамоаси. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш. Дарслик. Т.: 2010.
2. Пўлатов X., Маматмусаев Т. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Тошкент-2017.
3. Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977. 1174 р. Рус тилида: Александр К., Исикива С., Сильверстайн М. Язык шаблонов. Города. Здания.Строительство/ Кристофер Александр, Сара Исикива, Мюррей Сильверстайн; [пер. с анг. И.Сыровой] – М.: Изд-во Студии Артемия Лебедева. 2014. – 1096 с.: ил.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН

1-кейс

Янги шаҳарсозлик назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш доимо долзарб масалалардан бири бўлган. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси буни исботлайди. Тарихий шаҳарлар марказлари бугунги кунда машиналар тирбандлиги муаммосига дуч келмоқда. Натижада тарихий ҳудудларда кенг йўллар ўтказилиб, тарихий қисмларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳудудларда замонавий биноларнинг қад кўтариши тарихий мухит йўқолишига олиб келмоқда.

- Кейсдаги муаммони самарали бартараф этиш йўлларини белгиланг (кичик гуруҳларда);
- Таклиф этилаётган муаммони ечиш йўлларини асослаб беринг (индивидуал).

Манба: Пўлатов X., Маматмусаев Т. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Т.: 2017.

Кейс (Амалий машғулотлар учун): Амалий машғулотлар кейс вазифа шаклида ташкил этилади (мазкур ўқув-услубий мажмуанинг амалий машғулотлар бўлимига қаранг).

1. Юқоридаги муаммоларни қандай ечиш мумкинлиги хусусида таклифлар беринг?
2. Тарихий шаҳар мұхитини сақлаб қолиш бўйича амалга оширилган жаҳон тажрибасига мисоллар келтиринг?
3. Тарихий шаҳарларда анъанавийлик ва замонавийликни қандай уйғунлаштириш мүмкин.

2-кейс

Бир гуруҳ археологлар Ўзбекистоннинг жанубида қазишка ишларини олиб боришишмоқда. Бу ердан қазилаётган номаълум ёдгорлик олимлар ўртасида қизғин тортишувларни келтириб чиқармоқда. Чунки бу ёдгорликнинг ўз вақтида қанақа вазифани бажаргани ва нима мақсаддада қурилганлиги ҳозиргача аниқ эмас эди. Олимларда уч хил версия бор эди:

- 1) Ибодатхона;
- 2) Оташкада ёки оташгоҳ;
- 3) Қабристон.

Бир куни олимлардан бири Э.В.Ртвеладзе унинг оташкада эканлигини исботлашга киришди ва бошқа бир қатор олимлар бу фикр тўғри ва аниқ эканлигини тасдиқлашди. Шундай қилиб бу объектнинг оташкада сифатида қурилганлиги юзага чиқди.

Саволлар:

1. Олим Э.В.Ртвеладзе қайси жиҳатларга асосланиб бу объектнинг оташкада эканлигини аниқлаган?
2. Нима сабабдан олимлар ўртасида бу объектнинг қабристон эканлиги юзасидан ҳам версияси бўлган?
3. Оташкада ва оташгоҳларнинг тарҳий тузилиши қайдай бўлган?

3-кейс

Эски Термизнинг Қоратепа ёдгорлигига археологик қазишма ишларини олиб бораётган ўзбек-япон экспедицияси марказий ҳовли атрофида айлантириб қурилган хоналардан бирида қизиқ бир нарсага дуч келишди. Бу хона ичидағи иншоотнинг нима эканлиги археологларни ўйлантириб қўйди. Иншоот монолит тарзда қурилган бўлиб, асоси тўғри тўртбурчак ва унинг тепаси цилиндр-сфера шаклида эди. Номаълум иншоот хона ўртасида жойлаштирилган бўлиб, унинг атрофидан одамлар юриши учун жой ҳам қолдирилган эди. Бу иншоотнинг нима эканлиги ва нима мақсадда қурилганлиги археологик олимларни ўйлантириб қўйди. Иншоотнинг муқаддаслиги ҳеч бир олимда шубҳа уйғотмаётган эди.

Саволлар:

1. Айтингчи, сизнинг фикрингизча бу монолит иншоот нима бўлган бўлиши мумкин?
2. Бу иншоотнинг атрофидан нимага юриш учун жой қолдирилган?
3. Иншоот нима учун муқаддас ҳисобланган?

4-кейс

Устоз олим П.Ш.Зоҳидов талабаларга Мирзо Улуғбек томонидан қурилган 3 та: Самарқанд, Бухоро ва Фиждувон мадрасалари ҳақида гапириб, уларнинг ҳовлили қилиб қурилганлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Яъни бу мадрасалар ҳовли атрофи гир айланасига хужралар, масжид, ёзги айвон ва кириш қисмларидан иборат хоналар билан ўралган. Шунингдек мадрасаларнинг ҳажмий, композицион, режавий ва конструктив ечимларига атрофлича тўхталиб ўтган устоз талабаларга қуйидаги саволларни ўзлари мустақил ўрганиб келишлари учун ўртага ташлади:

- 1) Бу уч мадраса нима учун ҳажм жиҳатидан ҳар хил катталикда бунёд этилган?
- 2) Нима учун мадрасалар марказий ҳовлили қилиб қурилган?

- 3) Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг тўрт баланд минораси қандай вазифани бажарган?

Кейинги дарсга талабалар турли хил фикрлар билан келишган эди. Дарс бошлангунга қадар талабалар ўртасида қизғин баҳс кетди. Ҳаттоки талабаларнинг 3 таси (Фозил, Аҳмад, Дилноза) мадрасалардан бирига бориб кўрганликларини ҳам айтишди. Машғулот давомида барча талабаларнинг жавобларини бирма-бир эшигтан устоз шундай деди: “Мен барча талабалар орасидан Фозил, Аҳмад ва Дилнозанинг жавобларини кўпроқ маъқуллайман”.

Саволлар:

1. Нима учун устоз Фозил, Аҳмад ва Дилнозанинг жавобларини кўпроқ маъқуллади?
2. Сиз устоз мустақил ўрганиш учун берган уч саволга қандай жавоб берган бўлар эдингиз?

5-кейс

“Самарқанд шаҳрининг ноёб ва ажойиб меъморий ёдгорликлари маълум ва машҳур. Уларни кўрган сари завқимиз ошади; кўркам санъат дурдоналарини яратса олган, аксари номаълум қолган халқ усталари, меъмор, муҳандисларнинг ижод даҳоси ва маҳоратига қойил қоламиз. Ўтмиш суронли йиллари гувоҳи бўлган нуроний иморатларнинг ҳар бири бутун бир тарих – уларда баъзан асрий муаммолар мавжуд десак, хато бўлмайди. Меъморий ёдгорликларни синчилаб, атрофлича ўрганар эканмиз, янги-янги кутилмаган тарих сахифалари очилмоқда. ...

Ишратхона мақбараси таърифини эшитар экансиз, ниҳоят заргар санъатидек нафис ва нозик улкан иморат қолдикларини кўздан кечирав экансиз, беихтиёр савол туғилади: Нечун мотам ва қайғу манзили қабр устига маҳсус қурилган бинони Ишратхона деймиз? Наҳотки шундай гўзал ва файзли шоҳона сарой мақбара бўлса?” [П.Ш.Зоҳидов. Меъмор олами. 217-б.].

Ишратхона ёдгорлигининг дастлаб нима мақсадда қурилганлиги тўғрисида олимлар томонидан турли тортишувлар мавжуд. М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель каби олимлар бинони мақбара деб ҳисоблашса, олим П.Ш.Зоҳидов уни кўшк-сарой деб ҳисоблайди. Бу каби тортишувлар бутунги кунда ҳам давом этмоқда.

Саволлар:

1. Сизнинг фикрингизча Ишратхона ёдгорлиги дастлаб қандай мақсадда қурилган?
2. П.Ш.Зоҳидов қайси далилларга асосланиб Ишратхонани кўшк-сарой деб ҳисоблаган?
3. М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель нима учун мақбара деб ҳисоблашган?

6-кейс

Мирзо Улуғбек бошлигига Самарқандда бунёд этилган расадхона(обсерватория)нинг бугунги кунда фақатгина ер ости қисмигина сақланиб қолган. Унинг дастлабки кўриниши қанақа бўлганлиги хусусидаги тортишувлар ҳозиргача давом этиб келмоқда. Ҳозирда ушбу ноёб иншоотнинг дастлабки кўриниши бўйича бир неча график реконструкциялар турли олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Улар 3, 6, ва 7 қаватли вариантларни беришган. Жумладан, тажрибали архитектор Б.Н.Засыпкин обьект “уч қаватли”лигининг ножӯялигини таъкидлаган; В.А.Нильсен иморатнинг баланд уч қаватли график реконструкциясини таклиф қилган; таникли оима Г.А.Пугаченкова авваллари маълум лойихаларнинг барчасини қатъий равишда инкор этиб, иншоотнинг юқори икки қавати деб аталадиган қисмини икки деворли галереяга айлантирган, бу галереяга гигант қуёш соатлари ва астролябия жойлаштирган; архитектор М.С.Булатов ҳам уч ва етти қаватли вариантларини таклиф этган; архитектор Г.И.Коробовцев “яруслар учта – қаватлар олтита” деган ғояни олға сурган.

Устоз олим П.Ш.Зоҳидовнинг фикрича расадхона бир қаватли бўлган. Муаммоли тортишув.

Саволлар:

1. П.Ш.Зоҳидов нимага асосланиб расадхонани бир қаватли деб ҳисоблаган?
2. Нимага турли олимлар расадхонанинг турлича график тиклаш вариантларини таклиф этган? Қайси манбаларга асосан?
3. Қайси вариантни сиз ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблайсиз?

7-кейс

Шарқ машъали Тошкент кундан-кун чирой очиб бормоқда. 2200 йиллик тарихга эга бўлган мустақил Ўзбекистон пойтахти замонавий мегаполисга эга бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб маъмурий бинолар, жамоат бинолари, турагий ва ҳоказо обьектлар қурилмоқда. Ҳудудларни ландшафт ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Туризм инфраструктураси яратилмоқда. Аммо, Тошкент сайёҳлар учун севимли маконга айланмаяпти. Тошкент асосан, транзит йўловчилар учун хизмат қиласига яъни сайёҳлар Тошкентга самолётда келиб, сўнг поезд ёки автобусда тарихий шаҳарларга йўл олмоқдалар.

Топширик:

1. Тошкент туристларни нима учун жалб этмаслиги сабабини аниқланг.
2. Тошкентни сайёҳлик марказига айлантириш учун қандай чоралар амалга оширилиши зарурлигини баён этинг.

8-кейс

Шаҳарсозлик соҳасида республикамиизда кўп ишлар олиб борилмоқда. Йўллар, қўкаламзорлар тизими такомиллаштирилмоқда. Боғлар ва ансамбллар, тураг жой қурилмалари барпо этилмоқда. Бу соҳага қўплаб кадрлар тайёрланмоқда. Малакали мутахассислар бу жараёнга жалб этилган. Аммо, олий ўқув юртларини битирган ёшларнинг билими, малака ва кўникумасига лойиҳа ташкилотлари томонидан эътиrozлар ҳамон янграб турибди. Ёш мутахассислар 2-3 йил давомида стажёр сифатида фаолият кўрсатиб, сўнгра мустақил равишда лойиҳа жараёнига жалб этилмоқдалар.

Топширик:

1. Ёш мутахассисларнинг мустақил фаолиятга тез киришиб кетишилари учун ўқув жараёнида нималарга эътибор қаратиш кераклигини таҳлил қилинг.
2. Ўзбекистонда шаҳарсозлик анъаналари нималарда кўринишини айтиб беринг.
3. Шаҳарсозликда анъанавийлик ва замонавийлик хусусида фикр юритинг.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Вазият тарҳи	мавжуд, муайян ҳолатни ифодаловчи тарҳ; <i>русча-</i> ситуационный план,	<i>инглизча-situational plan</i>
Вақт масштаби	ўтган даврнинг шаҳар мухитида қолдирган излари-меъморий обидалар орқали ўтган замонларни кетма-кетлиги ўлчови, тарихийлик миқдори; А.Гутнов қўллаган ибора; <i>русча-</i> масштаб времене;	<i>инглизча-scale of timeses</i>
Микромажмуа	кичик хажмдаги меъморий мажмуа “микроансамбл” ибораси Е.Н. Кудрявцева ва М.П. Кудрявцевлар томонидан қўлланилган; <i>русча-</i> микроансамбл,	<i>инглизча-microcomplex</i>
Мослашув даражалари бўйича ҳудудлаш	қайта қуришда янги қурилиш бир хилдаги чекловлар қўйиладиган ҳудудларни белгилаш; <i>русча-</i> зонирование по режим реконструкции,	<i>инглизча-divide to zones by mode of the reconstruction</i>
Мувофиқлаштириш ҳудуди	обиданинг атрофидаги, уни визуал идрок этишга ҳалал бермайдиган янги кўринишдаги қурилиш мумкин бўлган ҳудуд; <i>русча-</i> зона регулирования,	<i>инглизча- zone of the regulation</i>
Мухофаза ҳудуди	- алоҳида қўйматга эга бўлган обиданинг атрофидаги, уни тўлақонли идрок этишни таъминловчи тарихий ҳудуд; <i>русча-</i> охранная зона	<i>инглизча-safety zone</i>
Реабилитация	тарихий меъморий мажмуаларни қайта қуришда унинг энг ривож топган давридаги ижобий жиҳатларни қайтариш; <i>русча-</i> реабилитация,	<i>инглизча-reabilitation</i>
Револаризация	қайта қуришда тарихий турар жойларни меъморий-композицион жиҳатидан олдинги асл қўймати	<i>инглизча-revolarization</i>

	даражасига олиб чиқиш; <i>русча-</i> револаризация,	
Регенерация	қайта қуришда тарихий жойларни олдин йўқотилган, ҳозирда етишмаётган қисм ёки жиҳатлар билан тўлдириш; <i>русча-</i> регенерация	<i>инглизча-</i> regeneration
Ретроспектив қайта қуриш	шаҳарсозлик обидасини ўтмишдаги ҳолатини қайта қуриш; <i>русча-</i> ретроспективные реконструкция	<i>инглизча-</i> retrospective reconstruction
Санация	қайта қуришда тарихий жойлардаги аянчли шароитни яхшилаш, соғломлаштириш; <i>русча-</i> санация	<i>инглизча-</i> sanation
Тарихий таянч тарх	тарихий жойларда сақланиб қолинган обидалар ифода эттирилган тарх; <i>русча-</i> историко-опорный план	<i>инглизча-historical-</i> supporting plan
Тарихий- услубий қайта режалаш	шаҳарнинг ўтмиш ҳаётида муайян тарихий услугуб хукмронлик қилган даврда амалга оширилган қайта режалаштириш ишлари; <i>русча-</i> стилистическая перепланировка	<i>инглизча-stylistic</i> replanning
Таъмирлаш	тарихий биноларни асл сақланган ҳолатини сақлаб қолиш учун қўлланиладиган тадбирлар; <i>русча-</i> реставрация	<i>инглизча-</i> restoration
Умумий кўриниши	кўриниши бир неча томонлардан берилаётган тасвир; <i>русча-</i> общий вид	<i>инглизча-general</i> type
Услубий таъмирлаш (стилистик таъмирлаш)	обиданинг пайдо бўлиш давридаги меъморий услугуга ва қарашларга биноан таъмирлаш; <i>русча-</i> стилевая реконструкция	<i>инглизча-styling</i> reconstruction
Шаҳар морфологияси	шаҳарсозлик тизимларининг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, шаҳар тузилиши; асосан негиз ва тўқимадан ташкил топади; <i>русча-</i> морфология города	<i>инглизча-</i> morphology of the town
Шаҳар тўқимаси	шахарнинг ҳажман кўпроқ бўлагини ташкил этувчи қисми,	<i>инглизча-fabrics of</i> the town

	асосан катта-кичик кўчалар воситаси орқали бирлаштирилган туар-жойлар жамламасидан ташкил топади; <i>русча</i> -ткань города	
Қайта қуриш	тариҳий жойларни қайта қуриш; <i>русча</i> - реконструкция	<i>инглизча-</i> reconstruction
Қатъий мослаштириш худуди	обидани тўлақонли визуал идрок этиш учун унинг атрофида янги қурилишга қатъий чекловлар жорий этилган худуд; <i>русча</i> -зона особого режима	<i>инглизча-zone person</i> mode
Кўриқхона	архитектурада ўтмишда шаклланиб бизгача етиб келган ҳамда ундаги тариҳий меморчилик ва шаҳарсозлик жиҳатларини мумкин қадар тўлалигича сақлаб қолиш мақсадида ажратиб қўйилган шаҳар; <i>русча</i> -заповедник	<i>инглизча- reserve</i>

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977. 1174 р. Рус тилида: Александр К., Исиакава С., Силверстайн М. Язык шаблонов. Города. Здания.Строительство/ Кристофер Александр, Сара Исиакава, Мюррей Силверстайн; [пер. с анг. И.Сыровой] – М.: Изд-во Студии Артемия Лебедева. 2014. – 1096 с.: ил. Қизиқувчилар учун К.Александрининг 2012 йилда чоп этилган “Ҳаёт ва Ер юзи гўзаллиги учун кураш” – “Battle for the life and Beauty of the land” китоби тавсия этилади (сайт: www.patternlanguage.com).
2. Myron E. Ferguson. Better Houses, Better Living. Home user press, Salem, Oregon. 2004.
3. Christopher Alexander. The nature of order. Book one. The phenomenon of life. 2002.
4. Acuto, Michele (Australian National University). High-Rise Dubai Urban Entrepreneurialism and the Technology of Symbolic Power // Cities, 2010, Vol.27, 4, p. 272-284.
5. Brook, Daniel. A History of Future Cities. New York-London: W.W.Norton & Company, 2013.
6. Elsheshtawy, Yasser. Dubai. Behind an Urban Spectacle. London-New York: Routledge, 2010.
7. Elsheshtawy, Yasser. Global Dubai or Dubaization // Jacobs, A.J. The World Cities. Contrasting Regional, National, and Global Perspectives. New York-London: Routledge, 2013, p.100-112.
8. Frampton, Kenneth. Modern Architecture. A Critical History. London: Thames and Hudson, 2016.
9. Grabar, Oleg. The Role of the Historian // The Aga Khan Award for Architecture. 2010. Baden: Lars Muller Publications, 2010, p.328-333.

10. Hengeveld, Jaap. Piet Blom's Rotterdam. New Life at the Old Harbor. Rotterdam: Gemeente, 2010, p.27-132.
11. Jodidio, Philip. Zaha Hadid. Koln: Taschen, 2012.
12. Jollands, Beverley and Fisher P. 100 Landmarks of the World. Bath-Shenzhen: Parragon, 2011.
13. Orientalism and New York // Saudi Aramco World. September/October 2014, p.48.
14. Pfeiffer, Bruce Brooks. Frank Lloyd Wright on Architecture, Nature, and the Human Spirit. San Francisco: Pomegranate, 2011.
15. Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013.
16. Аскаров Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во “San’at”, 2009.
17. Аскаров Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Т.: Изд-во “San’at”, 2012.
18. Афанасьев А.А., Матвеев Е.П. и др. Реконструкция жилых зданий. Часть-I,II. – М.: 2008.
19. Аҳмедов М. Меъморий мерос. Т.: 2011.
20. Белкин А.Н. Городской ландшафт. Учебное пособие. Серия: Реконструкция и модернизация зданий и комплексов. – М.: Высшая школа, 1987.
21. Бобоёрова Ш.Р. Кармана шахрининг марказини тиклашда тадқиқот асослари. Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2013.
22. Гулямова Н. Формирование караван-сараев в Узбекистане и использование их в современных целях. Магистрская диссертация. ТАСИ, 2010.
23. Зияев А.А. Комплекс Хазрати Имам в Ташкенте. Историко-архитектурный очерк. Т.: 2008.
24. Зияев А.А. Комплекс Шайхонтохур. В прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк. Т.:2008.

25. Иноғомов Ф.Б. Дастлабки оммавий қурилган турар жой биноларини реконструкциялаш. Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2012.
26. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – начала XXI вв. (Традиции и современность). – Т.: 2007.
27. Камалов Д. Архитектура и градостроительство г.Бухары в период независимости. 1991-2011 гг. Магистрская диссертация. ТАСИ, 2011.
28. Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений. ТАСИ, 2008.
29. Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даври архитектураси (XV асрнинг 1-ярми). Номзодлик диссертацияси. ТАҚИ, 2011.
30. Мухсимбеков Б.У. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидағи қалъалар меъморлиги. Тошкент ўрдаси мисолида. Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2010.
31. Нурулин Т.С. Архитектура храмов Древнего Чача. Магистрская диссертация. ТАСИ, 2013.
32. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Т.: 2017.
33. Рейимбаев Ш.С. Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошидаги архитектуравий-тарҳий тизими. Номзодлик диссертацияси, ТАҚИ, 2005.
34. Po'latov X. Shaharsozlik tarixi. O'quv qo'llanma. T.: 2008.
35. Панельные дома в Ташкенте. Мастеркласс. ТАСИ, 2004.
36. Салимов О.М. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. Т.: 2009.
37. Султонов Ў. Тошкент масжидлари тарихи. Т.: 2010.
38. Тўхтаев С.Ш. Бухоро тарихий шаҳрининг ўзгариши. Турар жойларнинг типологияси. Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2013.
39. Тўхтаева Ш.М. Фарғона водийси шаҳарларининг типологик ривожи (қадимдан хозиргача). Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2013.

[Архитектура йұналиши](#)

40. Умэдзава, Акира. Мудрость традиций, отражённая в башне // Nipponica. 2011, 4, p.6-9.
41. Хаджиев А.И. Хива шаҳарсозлик марказларини шаклланиши. Магистрик диссертацияси. ТАҚИ, 2013.